Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи


Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

22 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА № 143 (638). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУГУН МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА



(РЕПОРТАЖ)



Ушбу байрамга ҳамма жойда қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Айниқса, пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонида ишлар авжида. Маълумки, ўтган йили истиқлол байрамининг асосий тантаналари мазкур майдонда бўлиб ўтган эди. Бу йил ҳам шундай бўлади.

Тайёргарликлар кўлами бултургисидан анча катта эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Хусусан, 1992 йили майдонда 8600 кишига мўлжалланган ўриндиқлар тайёрланган бўлса, бу йил эса у ерда ўн минг кишилик жой ҳозирланмоқда. «ТашМустальмонтаж» қурувчилари эрта тонгданоқ ишни бошлаб юборишибди. Улкан саҳна ва ўриндиқлар ўрнатишга киришилган. Ҳозирча пайвандлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Тезроқ битказиш мақсадида ишни икки сменада ташкил этганмиз, — дейди прораб Вадим Гусев. — Тўртта бригадада 30 киши тинимсиз ишлаяпти.

«ТашМустальмонтаж» қурувчилари пайвандлаш ишларини тугатишгач, шаҳардаги 12-қурилиш трестига қарашли 51-қурилиш бошқармаси қолганини давом эттиради. Улар темир устунларга ёғоч ўриндиқларни мустаҳкамлаб, бўёқ беришади. Бундан ташқари, яна телефонлаштириш, электрлаштириш, сигнализациялаштириш каби юмушлар ҳам амалга оширилади.

Хуллас, 1 сентябрь куни истиқлолимизнинг икки йиллик байрами Мустақиллик майдонидан бошланиши шубҳасиз.

Ғофур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

СЎЗ АТЛАРДА: қурилишдан лавҳалар.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларини ривожлантириши, бозорга хизмат кўрсатувчи тармоқларни такомиллаштиришни, кичик ва ўрта тадбиркорликка таъсирчан моддий ва молиявий ёрдам беришни кучайтириш мақсадида, шунингдек республика тадбиркорларининг кўптина мурожаатларини ҳисобга олиб:

1. Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғармани таъсис этиш тўғрисидаги «Ипак йўли» ва «Агрохизмат» акционерлик жамиятлари, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банки, «Рустамбанк» универсал тижорат банки, «Юнитекс интернейшнл» ва бошқа қўшма корхоналарнинг таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар таъсис этилган жамғарманинг асосий йўналишлари ва вазифалари эканлиги инобатга олинсин:

кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозорга хизмат кўрсатувчи тармоқларни шакллантириш йўли билан бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини ўтказишга кўмаклашиш;

маҳсулот ва хизматлар бозорини ўрганиш, жамғармасининг молиявий маблағларини биринчи навбатда тақчил халқ истеъмоли моллари ва жиҳозлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик тузилмаларига, шунингдек янги иш жойларини вужудга келтиришга, четдан келтириладиган маҳсулот ўрнини қоплаш ва экспортни кенгайтириш тадбирларини амалга оширишга, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва республиканинг бозорларини моллар билан тўлдиришга ажратиш;

кичик ва ўрта тадбиркорлик тузилмаларининг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, рақобатбардошли тайёр маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, муайян лойиҳаларни амалга ошириш учун республикамиз ва чет эл сармояларини жалб этиш;

тадбиркорлик тузилмаларининг жамғармадан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш устидан назорат қилиш механизмини ишлаб чиқиш.

3. Кичик ва ўрта тадбиркорликни вужудга келтиришда давлат йўли билан моддий ва молиявий ёрдам бериш учун жамғармани ташкил этишга Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан 500 миллион сўм ажратилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида таъсисчиларнинг жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва унинг ишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифларини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Тошкент шаҳри,
1993 йил 21 июль.

И. КАРИМОВ.

23 июль–Миср Араб Республикасининг миллий байрами

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ

Миср Араб Республикаси Африка қитъасининг шимолий-шарқида жойлашган. Ҳудуди бир миллион икки юз минг квадрат километрни ташкил этади. Пойтахти — Қоҳира.

Давлат бошлиғи — Президент. 1981 йилдан бошлаб (1987 йилк 2-муддатга сайланган) Миср Республикаси Президенти—Муҳаммад Ҳусни Муборак. Ҳукуматга Бош вазир раҳбарлик қилади. Қонун чиқарувчи қонимият — Халқ мажлиси. У 480 депутатдан иборат.

«ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БОР КУЧИМНИ САРФЛАЙМАН»

Миср Араб Республикасининг миллий байрами — Республика куни арафасида ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги ишлар бўйича муваққат вакили жаноб Муҳаммад Абдул Ғани «Халқ сўзи» ва «Народное слово» таҳририятлари меҳмони бўлди.



Абдул Ғани жаноблари билан бўлган учрашувни очар экан, газеталар Бош муҳаррири Анвар Жўрабоев Президентимиз Ислом Каримовнинг Мисрга қилган расмий дўстлик сафаридан сўнг икки давлат ўртасида иқтисодий, маданий ҳамда сиёсий соҳаларда ўзаро ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, икки халқ орасидаги тарихан алоқалар Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг қайта тикланганлиги маънавий илдизлари бир-бирига яқин бўлган халқларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ҳавас қилса арзигулик даражага кўтаришига умид билдирди.

Меҳмон ҳам ўз сўзида ва журналистларнинг саволларига қайтарган жавобларида шундай деди: «Халқ сўзи» газетасини зиёрат қилишдан жуда мамнунман. Ўзим дипломатия ишига ўтганимга қадар оммавий ахборот воситаларида хизмат қилганлигим боис газетанинг ҳозирги шароитда жуда катта ўрин тутишини яхши биламан. Таъкидлаганидек Миср ва Ўзбекистон алоқалари давлатингиз бошлиғи жаноб Ислом Каримовнинг ватанимизга қилган сафарларидан сўнг ҳар томонлама ривож топмоқда. Ушбу сафар давомида кўплаб икки томонлама ҳужжатлар, жумладан, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, сармояларни ҳимоя қилиш, икки давлат ўртасида ҳаво йўлини очиш ва элчихоналар даражасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш хусусида битимлар имзоланган эди.

Ўзбекистонга келганимга ҳали кўп бўлмаган эса-да, бироқ бу юртни, ўзбек халқини чин дилдан севиб қолдим. Ўзбекистон дунё фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар юртидир. Бу ерда математика, астрономия, геометрия каби фанларнинг тамал тоши қўйилганидан яхши хабардормиз.

Миср ҳам худди Ўзбекистондек қадим маданиятга эга ўлка. Ватанимиз тарихи, бугуни ҳақида ўзбекистонликлар кенгроқ тасаввурга эга бўлишлари учун биз Мисрнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм олиб келганмиз. Мазкур фильм сизларда ҳам қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Айни пайтда давлатимиз бутун дунё мамлакатлари билан икки томонлама тенг асосда алоқалар олиб бормоқда. Биз ўзимизнинг ташқи сиёсатимизда ўзаро ҳурмат ва бирбирининг ички ишларига аралашмасликни асосий йўналиш сифатида белгилаганмиз.

Бизга ҳурмат билдириб учрашувга таклиф қилганликларингиз учун сизларга яна бир бор ташаккур билдириб, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришга бор кучимни сарфлайман, деб сизларни ишонтираман.

Учрашувда элчихонанинг матбуот бўйича котиби жаноб Магдий иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ЁШЛАРИМИЗ ҚЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ УРИНБОСАРИ И. ЖЎРАБЕКОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз биродарлар!
Қадрли ёшлар!

Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб ҳақиқий тараққиёт йўлига тушиб олганига яқинда икки йил тўлади. Бу — тарихан жуда қисқа даър. Лекин истиқлолни азиз билган ўзбекистонликлар мустақилликнинг иқтисодий асосини яратиш борасида оғир қараб дадил қадам ташлаяптилар.

Ёш давлатимизнинг тарихий солномасига унинг буюк давлат бўлиб дунёга келаётганини исботловчи дастлабки сатрлар битилди. Буни чуқур англаган миллион-миллион ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар бутун куч-ғайратини мустақилликни меҳнат билан мустаҳкамлашдек эзгу мақсадга сарфламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг оқилона ички ва ташқи сиёсати туфайли бугунги кунда Ўзбекистонда иқтимоий-сиёсий вазият барқарор бўлиб турибди. Собиқкадамлик билан ўтказилаётган иқтисодий сиёсат мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кундан-кунга оширяпти.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар ана шу сиёсатнинг самараси эканини республикамизнинг ҳар бир фуқароси юракдан ҳис этмоқда.

Зотан, Ўзбекистон ҳукуматининг барча давлатлар ва халқлар билан иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатишга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсати кўпчиликка маълум бўлаётганини эндиликда бутун дунё кўриб турибди.

Президент Ислом Каримов республика Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида «гарчанд мустақил бўлганимизга энди икки йил тўлаётган бўлса-да, ишлаб чиқаришда қазилма бойликларидан фойдаланишда, хом ашё базасини мустаҳкамлашда ва ташқи иқтисодда унча-мунча ютуқларга эришдик» деган эди.

Ҳурматли биродарлар!

10 йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган якка мафкура инқирозидан вужудга келган ҳозирги ижтимоий сиёсий муҳитда, яъни бирбирига зид қарашлар, дастурлар, мулоҳазалар, фикрлар, лойиҳалар шароитида тўғри йўл танлаш осон эмас. Бугунги мана шундай мураккаб даврда соғлом ақл идрок ва сабр-тоқат билан иш юритаётган, ютуқларга эришаётган ёшларимиздан, ёш раҳбарлардан умидимиз катта.

Бундай дайишнинг боиси шундаки, ёш давлатимиз олдида пайдо бўлаётган иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилиши кўпинча янгича ёндашишни талаб этади. Президентимиз айтганидек, мақсад йўлидан оғишмай, фақат олға юриш керак бўлади. Буни, энг аввало, сиз ёшларга қаратилган чақириқ, деб тушунмоқ керак. Бинобарин, ҳозирги иқтисодий масалалар ёшларга хос ғайрат, билимдонлик, янгича фикрлаш, замонавий восита ва усуллар асосида ҳал этилиши лозим.

Шундай экан, бу ерда гап ёш мустақил давлатимиз талабларига мувофиқ, унинг олдида турган мураккаб муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган концерн, ассоциация, корпорация, миллий компанияларнинг ёш раҳбарлари, директорлар, менежерлар, олимлар ҳақида бораётир. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистондек она ватанини, халқи учун ифтихор туйғусини юрагига сингдирган, лозим бўлса жонини ҳам ватан учун қурбон қиладиган забардаст ва билимдон ёшлар керак.

Хўш, ҳокимият тўла қўлимизга ўтган икки йилга яқин вақт мобайнида иқтисодиётимизда қандай ўзгаришлар содир бўлди ва бўлмоқда?

Бугунги кунда биз учун жуда оғир бўлган ўтган йил ҳамда 1993 йил биринчи ярми иш якунларини кўздан кечирар эканмиз, кўпчилик соҳаларда қийинчиликлар сабр-тоқат билан енгиб борилаётгани, ишлаб чиқаришнинг янада пасайиб кетишига йўл қўйилмаётганини кўрамиз. Мана шу даврда аҳолига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, қанд-шакар, гўшт, шунингдек, халқ истеъмоли моллари узлуксиз етказиб берилишига куч-ғайрат сарфладик.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларнинг хом ашё, ёқилғига бўлган эҳтиёжлари бир маъёрда таъминлаб турилди.

Саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб бориши 1992 йил биринчи ярмидаги 8,7 фоиздан бу йилнинг ана шу даврида 1,2 фоизга қисқаришига эришилди. Нефть, газ ва рангли металлургия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари ортди. Шу йилнинг биринчи ярмида нефть қазиб олиш 23 фоиз, газ 3,5 фоиз, мазут 1,5 марта кўпайди. Бензин, дизель ёнилғиси, қора металл прокати, олтин, кимёвий қўшимчалар ва бошқа кўпгина кимёб маҳсулотлар кўпроқ ишлаб чиқарила бошлади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш борасида жиддий ишлар қилиняпти. Бундай товарларни ишлаб чиқаришнинг камайишига йўл қўйилмади, шу йилнинг биринчи ярмида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоиз кўпайди. Ўзимизнинг ресурсларимиз ва имкониятларимизни ишга солиш йўли билан шу йилнинг ўзидаёқ 35 миллиард сўмлик, 1994 йилда эса 58 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

Бу ўринда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш борасида нималар қилиняпти, деган савол туғилиши мумкин. Бу йўналишда жиддий тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилаяпти. Шу йил 5 миллиард сўмлик, 1994 йилда 10 миллиард сўмлик янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Масалан, илгари четдан олиб келинадиган электр лампаси ҳозир ўзимизда кўплаб ишлаб чиқарила бошлади. Шу йил 5 миллион дона электр лампаси савдога чиқарилади. Кейинги йилларда кундалик турмушда жуда зарур бўлган бундай маҳсулот йилига 60 миллион дона ишлаб чиқариладиган бўлади. Бу эса республиканинг электр лампасига бўлган эҳтиёжини тўла қондиради.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, республика саноати жаҳон бозорида рақобат қила оладиган машина ва ускуналар, уй-рўзғор юмушларида керак бўладиган буюмлар ишлаб чиқара бошлади. Кичик тракторлар, телевизорлар, видеомагнитофонлар, вентиляторлар, термослар, электр дазмоллар, кир ювиш машиналари, электр лампалари, тайёр кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Мисол учун Ўзбекистон автомобиль саноатининг тўнғич «ЎЗДЭУАВТО» қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Бу корхона йилига 180 минггга автомобиль ишлаб чиқаради. Мана шу автомобилларнинг маълум қисми четга сотилади. Бу ўринда яна Нукус шаҳрида Туркиянинг «ЯЗЕКС» корпорацияси ёрдамида қурилаётган «Катекс» тўқимачилик мажмуини кўрсатиб ўтиш мумкин. Тўқимачилик саноатининг бундай тури бизда биринчи марта яратилянти. Бу ерда йилига 25 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонда машинасозлик, электр техникаси, тўқимачилик саноати каби ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулот берадиган янги тармоқлари дунёга келяпти.

Қиёслаш учун бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Республикамиз пахта, ипак, қоракўл тери, сабзавот етиштириш, олтин, кумуш ва бошқа рангли металлар, газ, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда собиқ Иттифоқда етакчи ўрнини эгаллаб турган ва унинг иқтисодиётига йилдан-йилга кўпроқ ҳисса қўшган бўлса-да, бизда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган арзигулик корхона йўқ эди. Бошқача айтганда, социалистик меҳнат тақсимоти ниқоби остида республиканинг асосий бойликлари сувтекинга ташиб кетилар, маҳсулотни бошидан охиригача тайёрлаб берадиган корхона қуришга эса марказ рухсат бермас эди.

Башарти, бизда Совет даврида энг замонавий технология ва техникага асосланган юқорида кўрсатиб ўтилган машиналар, асбоб-ускуналар, буюмлар, халқ истеъмоли моллари яратилмаганини назарда тутадиган бўлсак, бундай ҳодисалар ёш давлатимиз иқтисодиётида инқилобий ўзгаришлар содир бўлаётганининг далилидир.

Шу тариқа собиқ Иттифоқнинг хом ашё етказиб берувчи республикаси бўлган Ўзбекистонда тараққиёт эта бошлаган мустақил давлатнинг иқтисодий пойдевори қуриляпти. Президентимиз ибораси билан айтганда, биномиз ҳам баланд, ҳам пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. Энди қўрқмасдан бинони қаватма-қават кўтаришга асос бор. Шундай экан, кўркам бинонинг мустаҳкам пойдеворини навқирон ва билимдон ёшлар бунёд этади.

Ватанимизнинг порлоқ келажаги, халқимизнинг бахт-саодати учун ақл-идроки, бутун куч-ғайрати ва имкониятларини сафарбар этаётган меҳнат жамоалари, айниқса ёшлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда.

Маълумки, ўтган йиллари қурилиш мажмуида капитал маблағлар камлиги, бинокорлик материаллари танқислиги оқибатида аҳвол бирмунча оғирлашиб, битмай қолган иншоотлар кўпайган, ишлаб чиқариш бинолари ва уй-жой қурилиши суръати пасайиб кетган эди. Ўзбекистон ҳукуматининг вақтида кўрган чора-тадбирлари, хусусан, сергайрат, омилкор ёш мутахассисларнинг энг муҳим қурилишларнинг раҳбарлик лавозимига тайинланишни туфайли капитал қурилишда аҳвол яхшилана бошлади. Бу йил қурилиш ишлари учун 273 миллиард сўм ажратилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш биноларини барпо этиш, мавжуд машинасозлик, энергетика, тўқимачилик ва қайта ишлаш саноати корхоналарини реконструкция қилиш, уларни энг янги техника ва технология билан қуроллантириш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Баъзи бир мисолларни келтириб ўтаман. Наво ойлоятида олтин саралаш комбинатлари қурилаяпти. Самарқандда автобус ва троллейбуслар, Асакада — автомобиллар, Ангренда — автомобиль шиналари, Андижон ва Янгийўл шаҳарларида — озиқ-овқат спирти ишлаб чиқарувчи мавжуд заводлар қайта жиҳозланмоқда. Бир қанча қайта ишлаш саноати корхоналари қурилаяпти.

Эндиликда ватаним деган ҳар бир ўзбекистонлик белини маҳкам боғлаб, энг аввало, мамлакатимизнинг манфаатини кўзлаб, унинг иқтисодиётини ривожлантириш учун бош қотирадиган замон келди. Илгари марказ томонидан «шундай қиласан», «сенинг ишинг бўлмасин, ўзимиз айтамиз» каби иборалар билан бизнинг ташаббусимиз бўғилган, ҳаракатларимиз чеклаб қўйилган эди.

Бироқ ҳозирги шароитда ҳам ишимизда тежамкорлик етишмаяпти. Ҳар йили республикамизда 20—25 минг тоннага яқин ишлатилган автомобиль шиналаридан фақат 6 минг тоннаси қайта ишланади. 50—60 минг тонна ишкиламчи тўқимачилик молларидан 15 минг тоннаси ёки 25 фоизини қайта ишлаяпмиз. Ҳар йили республикада ҳосил бўладиган 500 минг тонна иссиқлик электр марказлари кули, 6 миллион тонна коалин, 7 миллион тонна фосфогипс ва бошқа чиқиндилар ташлаб юборилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Хоразм вилояти ҳокимлигида ёшлар вакиллари билан учрашув бўлди. Унда мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят ташкилотининг ўрни ва вазифалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар иқтидорли ёшлар сафини ўстириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, йигит ва қизлар ҳунар ўрганиб, билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётганлиги учун республика раҳбариятига миннатдорлик изҳор этдилар, ватан истиқболи ва равнақи йўлида куч-ғайрат ва матонат кўрсатишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков учрашувда нутқ сўзлади.

Учрашувда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

* * *

Жиззах вилоят ҳокимлигида ҳам ана шундай учрашув бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими А. Тошканбоев ёшлар тўғрисидаги қонун вилоят ҳудудида қандай амалга оширилаётгани, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, билдирилаётган юксак ишонч тўғрисида мулоҳаза юритди.

Учрашувда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Азимов сўзга чиқди.

Р. ЮНУСОВ.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

Андижонда «Соғлом авлод учун» шиори остида республика аёллар қўмитасининг сайёр семинари бўлди. Унда мазкур қўмита раиси, шоира Ҳалима Худойбердиева сўзга чиқиб, аёлларимиз зиммасига ватан равнақининг асоси — соғлом авлодни тарбиялашдек муқаддас ва шарафли вазифа юклатилгани ҳақида гапирди. Узбекистон Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими қўмитаси раиси Ҳ. Усмонова ана шу қўмитанинг фаолияти ҳақида ахборот берди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов истиқлолимиз истиқболини кўзлаб амалга оширилаётган ишларда ҳотин-қизларга катта умид боғлаётганини қайд этиб, улар ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётгани учун миннатдорчилик билдирдилар.

Андижон вилоят ҳокими К. Обидов семинарда сўзга чиқди.

(ЎзА).

Маълумки, бугунги даврни, тараққиётни техникасиз, замонавий технии ажмоларсиз тасаввур қилиш қийин. Давлатимизда нефть маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёж ҳам сир эмас. Бу масала республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари, жумладан, прокуратура назорати қамровидан бир лаҳза ҳам четда қолдирилган эмас.

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Узбекистон Республикаси Бош прокурори,
I-даражали адлия маслаҳатчиси

ЁНИЛҒИ АТРОФИДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

ЁКИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ, ХАРЖЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ХУСУСИДА

Яқинда прокуратура идораларининг бу борада амалга оширган дастлабки ишларига якун ясадик. Оқибат — жиддий, хулосалар — кескин, аҳвол амалий тадбирлар кўришни талаб қиладиган даражада бўлиб чиқди. Айни пайтда, жами прокуратура органларига, жойлардаги назорат ва кузатувчи, тафтиш ва бошқарув идоралари, жамоатчилик фаоллари ва фуқаролар ёрдамига таяниб, мунтазам курашга киришиш учун қатъий топшириқ бердик. Бундай кескин иш бошлашимизнинг сабаб ва асослари мавжудлиги шубҳасиз.

Хўш, прокуратура нималарни аниқлади, қандай аҳволга дуч келди, дерсиз? Келинг, Қорақалпоғистондан бошлай қолайлик...

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан ўтказилган текширишларда ёқилғиларни сақлаш, тарқатиш ва сотиш ҳамда фойдаланишда жиддий камчиликлар, ўзибўларчасига ташлаб қўйиш, жиноий совуққонлик билан бир қаторда жиноий суиистеъмол қилишлар оқибатида талон-торож ва ўз фойдасига ўмаришлар очилиб қолди.

Кегайли туманидаги «Дауразда Қум», Амударё туманидаги «Тўлқин», «Туркманистон», «Оқ олтин», Хўжайли туманидаги Охунбобоев номли, «Ленин байроғи» жамоа хўжаликлари, Шуманай туманидаги «Правда» давлат хўжаликлари каби қатор жойларда раҳбариятнинг лоқайдлиги оқибатида келтирилган ёқилғилар хўжасизлик «қурбони» бўлиб, айрим шахсларнинг хусусий даромадлари манбаига айлантирилган. Челаклаб қуйиладиган ва ҳисобкитоби назорат қилинмайдиган ёқилғи ўнгу сўлга сочилаберган. Бундай аҳволга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан прокурорлар кучини ишга солишга ва жавобгарлик нима эканлигини уларга «уқтириб» қўйишга мажбур бўлишди. Улар орасидан бир қанчаси жиноий жавобгарликка тортилдилар. Ачинарли тарафи шундаки, бундай аҳволни Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалик вазирлигидагилар яхши билишганлари ҳолда, ҳеч қандай чора кўрмаганлар. Устига устак, прокуратура аралашиб, улар олдига тайёр фактларни келтириб қўйганларидан сўнг ҳам чора кўришга шошилмаяптилар. Афтидан, айрим масъулият сезмаётган раҳбарлар қонун кучини синаб кўришга мойил кайфиятда юрган кўринадилар.

Хўжайли туманидаги Ленин номли жамоа хўжалиги ўз ҳожати учун келтирилган бензиннинг қарийб 16 тоннасини, дизель ёқилғисиининг қарийб 41 тоннасини беда, арқон-ипларга алмаштириб юборган, 20 тоннага яқин ёқилғини эса хўжалик ишчи ва хизматчиларининг шахсий машиналари бакларига қуйиб юборишган. Бу ердаги транспорт воситаларининг уйларда сақланиши ва босиб ўтган йўл кўрсаткичлари ишламаслиги сабабли, ёқилғи тўлдирилган машиналар кимнинг манфаатига хизмат қилаётганлигини аниқлаш амримаҳол.

Чимбой туманидаги «Бахтли» давлат хўжалигида ўтказилган текширув ҳисобкитобларига кўра, хўжасизлик оқибатида 25 тоннага яқин ёқилғи ошиқча сарфланиб, асоссиз чиқимга чиқариб юборилган экан.

Беруний туманидаги «Ленинизм» жамоа хўжалиги Бу ерда беш миллион сўмлик ёқилғи ажратма нормасидан ортиқча олиниб, харажатга чиқарилиши билан бирга, 4 ярим тонна бензин ва 2 ярим тонна дизель ёқилғиси қонунга хилоф равишда қўшни Қирғизистонга олиб чиқилиб, чигит уруғига алмаштириб юборилган, хўжасизлик билан сарф қилиш оқибатида қарийб миллион сўмлик ёқилғи йўқ қилинган. Айбдор шахсларга қонуний чоралар кўрилди, улар орасида мазкур хўжаликлар раҳбарлари А. Бўрихонов ва М. Аҳмедов ҳам бор.

Андижонда ёқилғини талон-торож қилиш, ўнгу сўлга ўмариш ҳисобидан чўнтак қаппайтираётганлар ҳам бир талай чиқиб қолди. Прокуратура органлари Асакадаги 4-сонли автокорхона омбор мудири Жумабой Тўхтасиновни қарийб 2 миллион сўмлик ёқилғини талон-торож қилиб юборгани учун, 2-паррандачилик фабрикаси омбор мудири А. Дадажоновни минглаб сўмлик ёқилғи аниқланган. Ёқилғи билан боғлиқ бундай хўжасизлик, бебошлик, хизматни суиистеъмол қилиш фактлари Бувайда туманидаги қурилиш ташкилотларида, «Оққўрғон» жамоа хўжалигида, Охунбобоев туманидаги К. Мадалиев номли, «Дўрмон», «Солижонобод» хўжаликларида, «Фарғонақурилиш» трестига қарашли қатор корхоналарда, Қува туманидаги Охунбобоев номли, Улуғбек номли, «Анор» давлат ва жамоа хўжаликларида ҳам очилиб қолган. Бу ишлар учун эса айбдорлар чорасиз қолмадилар, албатта.

Ёқилғининг ҳар бир томчисини иқтисод қилиш ва тежаб-тергаб фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабларидан бири бўлиб турган пайтда ўйламай-нетмай уни тўғри келган тарафга «сочавериш»ни қандай баҳолаш мумкин? Раҳбар учун, ёқилғи таъминотига масъул ходим учун корхона-хўжалик эҳтиёжига ажратилган қўйилаётганлиги аниқланган. ристон, Ғузор, Қамаши туманларидаги хўжаликлар фаолиятида, қурилиш ва агросаноат ташкилотларида кўплаб содир этилган. Бу дарддан республикамизнинг қолган вилоят ва ҳудудлари, ташкилот, корхона ва хўжаликлари ҳам холи эмаслиги кўзга ташланиб қолди. Ёқилғи танқислиги, унга бўлган эҳтиёж ўсиб бораётганлиги кўпчилик раҳбар ва масъул ходимларни ташвишга солмаётганлиги билан муроса қилишга чек қўйиш вақти келди.

Шуидай ҳолларга дуч келинмоқдаки, ёқилғи маҳсулотларининг тақдири нопок ва шубҳали шахсларга топшириб қўйилган. Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги Ҳамза номли давлат хўжалиги раҳбарлари ёқилғи омборини муқаддам ғаразли ишлари учун судланган Н. Абдувалиев деган кишига топшириб қўйишган. Оқибатда мазкур шахс 58415 сўмлик нефть маҳсулотларини ўмариб юбориб, яна жиноят-

ларида ҳам очилиб қолди. Ҳозирги кунда бу фактлар юзасидан прокуратура органлари текширув ва тергов ҳаракатлари олиб бормоқда.

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Н. Мирзаев номли жамоа хўжалиги раҳбар ва масъул шахслари тил бириктириб, 34 тоннадан ортиқ ёқилғини талон-торож қилиб юборганлар. Бу ерда хўжалик эҳтиёжига келтирилган бензин шахсий автомашиналарга тарқатилаётганлиги фактлари ҳам кўплаб аниқланди. Узун тумани прокуратураси Б. Омонов номли жамоа хўжалигида 70 тоннага яқин ёқилғи турли нопокликлар оқибатида йўқ қилиб юборилгани фактларга дуч келди.

Наманган вилояти Учқўрғон ёғ-экстракт корхонасида нопокликни ўзларига касб қилиб олган А. Насиллаев, С. Комилов, Л. Ҳасанов деган шахсларга жилов бериб қўйилганлиги аниқлади. Навоий вилоятидаги 6-автокорхона ходимларидан О. Эшонов ва бошқалар турли ташкилотлар учун ёқилғи ташиб бериш пайтида, йўлда бурилиш ясаб, ёқилғи сотиш тармоқлари орқали пуллаётганда қўлга тушдилар ва жами шериклари билан бирга қамоққа олиндилар. Фарғона шаҳридаги 6-механизациялашган кўчма колонна маъмурлари қарийб 20 тонна бензинни ғараз мақсадда, сохта ҳужжатлар билан қўшни Қирғизистонга олиб ўтаётганларида ушландилар.

Бундай қонунбузарликлар ҳақида қатор мисолларни келтириш мумкин. Прокуратура органлари бу хусусда 40 дан ошиқ жиноий ишлар қўзғатиб тергов юритмоқдалар. Ишлардан аксариси судларда кўрилиб, айбдорлар жазога ҳам йўналтирилдилар. Ўзалб масъул ва раҳбар ходимлар вазифаларидан четлаштирилдилар, огоҳлантиришлар олдилар.

Таъкидлаш лозимки, ёқилғини давлат ва халқ манфаати йўлида самарали хизмат қилдириш ўрнига унинг ёнидан ва бўйидан уриб қолавериш айрим нафси ҳакалак отганларни ҳаддан зиёд қутуртириб юбормоқда. Жамоатчиликка хабар қилганимиз — Тошкент нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасининг собиқ директори Самандар Қўқонов кабиларни ҳам ана шу нопок ишлар семиртирган. Қўқонов ўз ҳомийлари соясида шерик ва гумашталари билан тил бириктириб, «фаолият» кўрсатиши оқибатида давлатнинг, халқнинг миллиардлаб сўмлик маблағини туя қилиб, орттирган пул ва мулклари устида ёнбошлаб, кекириб ётганида қўлга туширилиб, ҳибсга олинди. Мазкур шахснинг кўпдан-кўп ишлари орасида республикамиз қишлоқ хўжалиги зарурияти учун ажратилган ёқилғидан 50 тоннага яқин миқдорда, қарийб 5 миллион сўмлик бензинни ўмариб, темир йўл хизмати ходимлари билан келишиб, мўмай фойда учун Туркманистонга йўналтираётган пайтда қопқонга тушганлиги эпизоди ҳам бор.

Техника воситаларн мамлакат иқтисодий тараққиётининг қон томирларидан биридир. Долзарб даврда Президентимиз, республика ҳукумати, қалбида ватан ҳисси бўлган аҳли фуқаро мустақил Узбекистонимизнинг тараққиёти, порлоқ келажаги учун жон куйдириб келаётган бир пайтда ёқилғи етказиб беришда учраётган нопокликни, жиноятни, ўғирликни қандай номлаш мумкин? Нафс илинжида ёқилғига «сув» аралаштириб, техника воситаларини ишдан чиқаётганларнинг номини ким деб аташ мумкин? Бундайлар эса қонуннинг муросасиз тиғидан қутулиб қолишларига умид қилмасалар ҳам бўлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ ЁШЛАРИМИЗ ҚЎЛИДА

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Умумхалқ жамоа мулкига нисбатан бепарволик оқибатида узоқ йиллар мобайнида колхозлар, совхоз устахоналари ёнида, саноат корхоналари атрофида, йўл бўйларида тепа-тепа бўлиб ётган эгасиз темир-терсак, ғишт-бетон чиқиндилари билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолган. Сермоҳнат ва серхаражат бундай моддий бойликларнинг исроф бўлиб ётишини Яратганнинг ўзи ҳам кечирмайди. Ўйлайманки, ихтиёримиз ўзимизга теккан бугунги кунда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳўжасизликка қарши кескин кураш бошлаш оиласи, ватани тақдирини ўйлайдиган ҳар бир инсоннинг шиори бўлиб қолиши керак.

Ҳурматли биродарлар!

Узбекистон ҳукумати ҳозирги мураккаб даврда қишлоқ хўжалиги устун даражада ривожланиши учун тегишли чора-тадбирларни кўряпти. Шунинг учун ҳам аҳолига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари узлуксиз етказиб берилмоқда. Умуман деҳқончилик-саноат мажмуида бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш имконияти яратилмоқда.

Кейинги пайтларда қишлоқ хўжалиги тизими такомиллаштирилди. Пахта майдонлари 510 минг гектар камайтирилиб, озиқ-овқат ва озуқа экинлари майдонлари кенгайтирилди. Пахтачиликда илмий асосланган алмашлаб экиш жорий этилди.

Суғориладиган ерлар республикамизнинг асосий бойлигидир. Иқтисодиётнинг аҳволи, халқнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан ундан фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

Лекин деҳқончилик маданиятини юксалтириш, айниқса суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини ошириш муҳим масала бўлиб турибди.

Қишлоқ хўжалигидан ташқари эҳтиёжлар учун ажратилган ерлардан исрофгарчилик билан фойдаланилмоқда. Қурилиш учун берилган ерлар тўрт-беш йиллаб фойдаланилмасдан, ўт босиб, яроқсиз бўлиб ётган ҳоллар оз эмас.

Мана шуларни назарда тутиб, республика ҳукумати аграр ислоҳот ўтказиш, маҳсулот етиштирувачиларнинг мустақиллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш учун аниқ шарт-шароит яратиш йўлини изчил амалга оширa бошлади. Қисқа муддатда зарур қонунчилик ва норматив асос яратилди, мулкчилик, ер, фермер хўжаликлари ва ишбилармонликни ривожлантириш тўғрисида қонунлар қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, бугун мустақил Узбекистоннинг иқтисоди, уни янада соғломлаштириш йўллари ва бозор муносабатлари ва унга ўтиш механизмлари бирмунчалик ишлаб чиқиляпти ва ҳаётга татбиқ этиляпти.

Шу тариқа Узбекистонда кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб бормоқда. Халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларида ишлаб чиқаришни давлат тасарруфидан чиқариш кенг миқёсда амалга оширилаётир. Шу йилнинг ўтган даврида 2,6 минг корхона давлат тасарруфидан чиқарилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида хусусий корхоналар сони бир мингта кўпайиб, қарийб 6 мингтани ташкил этди. Мана шу даврда 356 акционерлик ва хўжалик ширкатлари, 1250 ижара хўжаликлари бор эди. 13 мингдан зиёд кичик корхонада 185 минг киши иш билан банд бўлди. Шу йилнинг ўтган даврида миллий даромадда давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар улуши 23 фоиздан кўпроқни ташкил этди.

Айни вақтда ҳокимият ва бошқарув идораларининг иши замон талаблари асосида такомиллаштирила бошланди. Шу йилнинг биринчи ярмида давлат бошқарув органларини қайта тузиш давом эттирилди. Бир қанча вазирликлар, давлат қўмиталари тугатилиб, улар ўрнида бозор иқтисодиёти талабларига мос бошқарув тизимлари пайдо бўлди. Республикада 1 июлгача бўлган маълумотга қарағанда, 40 га яқин концерн, ассоциация, миллий компания, корпорация ишлаб турибди.

Маълумки, ҳозир қайта ташкил этилган вазирликлар, концерн ва бошқа янги бошқарув тизимлари қандай ишлаяпти, деган савол туғилади. Бугун биз ҳамма вазирлар, қўмита раислари, ҳокимликлардан ва бошқа бошқарув органлари раҳбарларидан Узбекистон сармашақат ўтиш даврини бошидан кечираётган пайтда қандай фаолият кўрсатаяпсиз, деб сўрашга тўла ҳақлимиз.

Зотан вазирликлар, қўмиталар ва бошқа давлат бошқарув органларининг ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажариши учун уларга тўла ҳокимият ва бошқарув ҳуқуқлари берилди, илгариги «Иккинёқлама бўйсуниш йўқ қилинди», вилоятларда якқахокимлик жорий этилди.

Мана шундай янги шароитда қатор хўжалик органлари, ташкилотлар, янги иқтисодий тизимлар самарали ишлай бошлади. Бу ерда ҳозирги замон талабларидаражасида ишлашга ҳаракат қилаётган ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзмевасабзавотсаноат» концерни, «Узбекнефтгаз» миллий корпорацияси, давлат солиқ бош бошқармаси каби давлат ташкилотлари, корпорациялари ва компанияларини, уларнинг сергайрат ёш раҳбарларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Республикамиз мустақилликке эришганидан кейин мақоллий ҳокимият органларининг тизимини бутунлай янгича ташкил қилиш имконияти туғилди.

Жойларда якқахокимликнинг ташкил этилиши қўш ҳокимиятчиликка барҳам берди. Натижада йиғилишлар кескин камайди, бошқариш тизими яхшиланди, бошқарув идораларида ишловчилар сезиларли даражада қисқарди, топшириқлар бир жойдан берилиб, бажарилиши бир жойдан назорат қилинадиган бўлди.

Ҳокимларни тайинлашда ҳурматга эга бўлган, билимдон, ишбилармон, жавобгарликни ҳис этадиган тажрибали кадрларга эътибор берилаяпти. Шу борада кейинги вақтда ёшларнинг ҳоким лавозимига тайинланиши кўпайиб боряпти. Ҳозирги туманлар ҳокимларининг 80 фоизга яқини 40 ёшгача бўлган кишилардир.

Шу билан бирга якқахокимлик жорий этилганини баъзи бир ҳокимлар тўла тушуниб етмаётир. Туманлар, шаҳар ҳокимлари майда-чуйда масалани кўтариб Вазирлар маҳкамасига келади. Амалдаги қонун, қарорлар, белгиланган тартибга риоя қилиш керак. Лекин айрим ҳокимлар эскича ишлаяпти, арзимаган масалалар билан юқори органларга мурожаат қилиш одатини ташламаган. Бир қанча ҳокимликлар қурилиш ишлар, хусусан қоғозбозлик билан банд бўлиб, туб ижтимоий-сиёсий масалалар, меҳнат жамоалари, оддий одамларнинг ҳаёти билан деярли шуғулланмай қўйган.

Бунинг устига ҳозир тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган иллатларга дуч келиб турибмиз. Бу иккиланиш иллатидир. Собиқ Иттифоққа қайтишни истаётган, «Бугунги мустақилликнинг илдизи заиф» деб ўйлаётган кимсаларнинг ҳозирги иқтисодий тангликни янада вахималироқ қилиб кўрсатишга уринаётганн ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун бўлса керак, айрим жойларда фақат корхоналар, хўжаликларнинг номлари ўзгартирилиб, ишлаб чиқариш муносабатлари ва бошқарув тизими аввалги ҳолда қолаётганини кўрсатувчи мисоллар бор. Бу баъзи вилоят, туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарлари ишга меҳнат жамоаси ва давлат манфаатидан келиб чиқиб ёндашмаётганини кўрсатади.

Вазирлик, қўмита, миллий компаниялар, ҳокимликлар раҳбарлари ўзларининг бошқарув девонларини, энг авало, она ватан учун садоқатли, ҳақгўй ва ҳалол кишилар билан мустаҳкамлашлари керак. Бу ўринда мен буюк Амир Темурнинг салтанатни идора этиш тузугида қимматли фикр-мулоҳазалар қолдирганини сизларга эслатиб ўтмоқчиман. У одил, оқил ва уддабурон кишиларни ҳоким этиб тайинлаганини, бузуқ, ахлоқсиз, фасодчи, нафси ёмон кишиларни идора ишидан четлатганини алоҳида таъкидлаган.

Энди биз барча ёшларимизга, Узбекистоннинг бўлажак раҳбарларига, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ватандошлик туйғусини сингдиришимиз, уларни эски мафкуравий қобиқлардан халос қилишимиз лозим. Бугун ватанимиз ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этиши ва бундан фахрланиши керак. Истиқлол берган энг катта бойликлардан бириичиси ана шу нарса эканини англаб олиши зарур.

Мустақилликни мустаҳкамлаш ёшларга, ёш мутахассисларга боғлиқ. Дарҳақиқат, Узбекистон Республикаси, шахсан Президент Ислом Каримов мутахассислар тайёрлаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда.

Ҳозир 1900 нафарга яқин йигит-қиз Туркия, Америка, Англия, Францияда таълим олмоқда. Хоразмлик кўплаб ёшлар Туркияда ўқияпти. Яқин келгусида ана шу жойларда таълим олган юқори малакали мутахассислар юртимиз олдида турган энг мураккаб вазифаларни ҳал этиши учун мустаҳкам замин ҳозирланаётгани аниқ. Бошқарув тизими ҳам шунга бўлиб турибди. Бу эса мустақиллик тақдири ёшлар қўлида эканини кўрсатади.

Ҳурматли дўстлар!

Мен юқорида мамлакатимиздаги ҳозирги иқтисодий-ижтимоий вазият, иқтисодий ислоҳот ва уларнинг баъзи бир жиҳатлари тўғрисида тўхталиб ўтдим. Бу ерда тўпланганлар ҳозирги даврнинг долзарб масалалари ва олдимизда турган муаммоларни тезроқ ҳал этиш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирадилар, таклифлар киритадилар деган умиддаман. Халқига фидойи ёшларимиз, биз жуда бой бўлаётган, ўта камтар яшаётганимиз сабабларини чуқурроқ англаб олиши керак.

Шундай экан, сиз ёшларнинг инсоният тараққиёти тарихини, айрим мамлакатлар, халқларнинг фаровонликка қандай қилиб тезлик билан эришгани сабабларини, хусусан, уларнинг иқтисодий ислоҳотлар тажрибаларини бемалол ўрганишингиз учун эндиликда кенг йўл очилди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам истиқлол туфайли эркинлик, ҳурфикрлик ҳукм сура бошлади. Лекин биз уларни қандай ифодалашни ўрганиб олишимиз керак. Бутун тараққий этган мамлакатларда бўлганидек, биз ҳам ҳурфикрликни, одамлар тафаккурини, фикр-туйғусини назорат қилмасликни озми-кўпми вақт мобайнида ўзлаштира бошладик.

Биз ҳақиқий демократик давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, ўзгача йўл тутиш мумкин эмас. Зотан, тоталитар, бюрократик-бюрократик тизим ҳеч қачон ва ҳеч қаерда узоқ умр кўрган эмас. Яқин ўтмишни эслаб кўрайлик. Марказ иттифоқдош республикалар деб аталмиш чекка ўлкалар ва уларнинг ҳукуматлари хоҳиш-истаклари билан ҳисоблашмай, фақат марказий давлатнинг устиворлигини таъминловчи қўрғонга айланиб қолган эди. Тилда бошқа, дилда бошқа иш юритиш, зўравонликка асосланган давлат снёсати, буюк давлатчилик туйғуси қандай оқибатларга олиб келганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Эндиликда биз мустақил давлатмиз, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этяпмиз. Узбекистон ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида комил ишонч билан ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрнини эгаллаш учун курашмоқда. Буниинг учун бизда объектив шарт-шароит яратилди, давлатимиз тўла иқтисодий имкониятга эга.

Узбекистон ўзининг ана шу иқтисодий қудрати, мавжуд илмий-техникавий ва маънавий имкониятларини ишга солиб, яқин йиллар мобайнида жаҳоннинг буюк давлатларидан бирига айланишига шак-шубҳа йўқ.

Бунинг учун биз ана шу имкониятларимиз, яъни беҳисоб ер ости ва ер усти бойликларимизни ишга солиб, Узбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига тезроқ эришишимиз керак. Бу, биринчидан, давлатимизнинг ҳар томонлама ўзини ўзи моддий таъминлашини, иккинчидан, ҳар бир кишига шахсий иқтисодий эркинлик берилишини тақозо этади.

Бинобарин, биз бу ерда, энг аввало, давлатимизнинг иқтисодий мустақиллиги муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритишимиз керак. Шу билан бирга биз ҳозирги пайтда халқ маънавиятини шакллантириш умумжаҳон фалсафасини, умуминсоний қадриятларни яратиш, етук инсонларни тарбиялаб етиштириш тўғрисида ўйлашимиз зарур. Бошқача айтганда, эндиликда миллий маданиятимизни ривожлантириб бориш йўли билан мустақиллик мафкурасини яратишимиз керак.

Сизларнинг эътиборингизни яқин келажакда ҳал этиладиган жуда кўп масалалардан айримларига қаратмоқчиман.

Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари билан бевосита иқтисодий алоқалар ва улар ўртасида савдо-сотиқ ишларини кенг ривожлантириш муаммосини олиб кўрайлик. Бу регион учун ички бозор зарур бўлиб, мазкур бозор ичида товарлар, сармоялар, хизмат кўрсатиш соҳаси; мичи кучлари эркин силжийдиган бўлиши керак. Бу, мана шу мамлакатлар ўртасида божхоналар, санитария постлари олиб ташланади, демакдир. Бу ўринкин иқтисодий ҳамкорлик тажрибасини ўрганиш кўп фойда келтиради. Маълумки, Европа ҳамжамиятида 12 мамлакат бўлиб, уларда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўртача йиллаги даромад 17,5 минг долларни ташкил этади.

Яна бир муҳим муаммо, бу — Узбекистоннинг жаҳон бозорига қайси йўллар орқали чиқишидир. Президентимиз қайта-қайта айтганидек, республиканинг энг заиф жойи, бу — коммуникация масаласидир.

Сизларга маълумки, республикамиз узоқ йиллар давомида дунёга бевосита чиқишдан тамомила маҳрум этиб келинди. Натижада қўшни давлатлар билан алоқа ришталаримиз бутунлай узиб қўйилган эди. Бизда ҳозир мамлакатнинг учта даравозасини барпо этиш мўлжалланяпти. Улардан биттаси Жанубга — Карочига, биттаси Ғарбга — Форс қурфазига, яна биттаси — Хитойга чиқади. Биринчи йўл Узбекистонни Термиз — Ҳайратон йўналиши орқали Мозори Шариф билан туташтиради. Иккинчиси Туркманистон ва Эрон ҳудудлари бўйлаб Туркия ва Форс кўрфазига олиб чиқади. Бугунги кунда ушбу темир йўл қурилиши жадал олиб борилаяпти ва у 1995 йилда ишга туширилади. Учинчи темир йўл Қозоғистондан ўтиб, Дружба — Урумчи — Пекин орқали Тинч океанига олиб чиқади. Мазкур йўналишда яқин кунларда поездлар қатнай бошлаши мўлжалланяпти.

Мана шу муаммоларнинг ечилиши Узбекистоннинг дунё бозорига чиқишига имконият туғдиради.

Шундай қилиб, ҳурматли дўстлар, сизларнинг олдингизда мана шундай мураккаб ва улкан вазифалар турибди. Бу, даставвал, иқтисодий мустақиллик негизини яратиш, демакдир. Мана шу эзгу мақсаднинг рўёбга чиқишида, биз катта авлод вакиллари, сиз ёш раҳбарлар, олимлар, мутахассислар ва бутун навқирон авлодимиздан умидимиз катта.

Бугунги анжумандан кўзда тутилган мақсад ҳам ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ёшлар олдида турган вазифаларни янада ойдинлаштириб олишдан иборат эди.

Зотан, Президентимиз айтганидек, сиз каби сергайрат, фидойи ёшлар Узбекистонда ривожланган демократик давлат барпо этишда бизнинг асосий таянчимиздир.

Мустақилликнинг икки йиллиги олдидан

Истиқлол кўп миллатли республикамиз халқига озодлик нашидасини бериб, энди ундан бунёдкорлик шижоати-ю юксак масъулиятни талаб этмоқда. Энди миллий маънавият юксалиб, унинг янги қирралари очила бориши лозим. Мақсад — Ўзбекистоннинг яқин келажакда жаҳондаги тараққий этган давлатлар қаторига киришига эришмоқликдир.

КАТТА КАРВОННИНГ КАТТА САФАРИ

Бетакрор тарихга эга юртимиз олам маданияти ва фанида улкан гавҳар бўлиб, куррамизнинг Шарқий шари кўксида яшнаб турибди. Аждодларимиз миллатимиз ҳақида қолдирган шарафли ном барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдириб, юксак туйғулар уйғотмоқда. Сир эмаски, биз истиқлол шарофати билан оламни янгича тушуниб, янгитдан кўра бошладик.

Ўзбекистон туб тарихий ўзгаришлар остонасида турибди. Катта карвонга катта сафар деганларидек, у ўз йўли билан келажакдаги буюк уфқлар томон силжимоқда. Бу йўлда унга Ислом Каримов карвонбоши экан, унинг ўзбек халқининг бугунида тутган ўрни ҳақида ўз мулоҳазаларимизни айтишни лозим топдик.

Тарихдан маълумки, ҳар бир давлат раҳбари ваколати тугагач, уни ўша халқнинг кейинги муносиб вакилларига топширади. Бу—жаҳондаги илғор давлатларнинг темир қонуни. Подшоҳлар, президентлар кўп ўтган. Улар келади, кетади. Лекин шундай йўлбошчилар ўтишганки, улар ўз ватанини равнақ топтириш, улуғ ғалабаларга етишида бетакрор буюк ишларни амалга оширганлар. Тарихда ўз халқининг миллий қаҳрамон-президенти бўлиб қолган шахслар ҳам бор. Бу қаҳрамонликнинг сабаби — у шахснинг давлатни мустақилликка олиб келганлигидир. Тарих ана шундай йўлбошчилар номини ёрқин сақлаб қолган. Булар Американинг мустақиллик курашига раҳбарлик қилган, унинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон, Франциянинг машҳур Президенти Де Голь, Югославиянинг жанговар раҳбари Иосиф Броз Тито, Туркия Президенти Камол Отатурк каби етук шахслар. Ўзининг миллий қаҳрамон йўлбошчиси бўлган давлатнинг жаҳондаги ўрни ҳам, таъсири ҳам ўзгача бўлади.

Ўзбек халқи тарихида эса ана шундай фидойилик кўрсатиб, уни мустақилликка олиб чиққан миллий қаҳрамон Ислом Каримовдир. Душманлар тан олишадими, йўқми, истайдими, истамайдими, буни тарих тан олади. Шунингдек, келажак авлодларимиз ҳам у кишининг номини, албатта, ҳурмат билан эслашади. У билан мағрурланишади. Чунки Президентимиз Жорж Вашингтон, Де Голь, Отатурк кабилардан фарқли ўлароқ қонли жанглар билан эмас, балки сиёсатда сабот билан, ирода билан, қон тўктирмасдан давлатимизни мустақиллик ғалабасига олиб келди. Яна шуниям таъкидлашни истардикки, бу эзгу ишда унга Яратгану, истиқлол курашлари йўлида жон фидо қилган ўзбек халқининг етук фарзандлари руҳи мададкор бўлди.

Ўзбекистоннинг ҳеч бир раҳбари чекига бундай масъулиятли ва қалтис давр — ўтиш даври тушмаганди. Чапда бир қўшнинг, ўнгда бошқа бир қўшнинг панд бериб, атрофдаги давлатлардан хуружлар бўлиб турганида, юрт ичкарисидаги айрим «дўстларимиз», «ҳунар» кўрсатишга уринишаётган оғир дамларда давлатни бошқаришга ҳар қандай сиёсатдонларнинг ҳам бели чидамайди. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги беш давлат ҳамкорлиги, бирлигининг умуртқа поғонаси эканлигини билган душманлар уни синдиришга тинмай уринишди ва уринмоқдалар. Давлатимизни бўронли денгиздаги тинчлик ҳукмрон орол эканлигини, минтақада миллатлараро муносабатларда портлаш юз бермай, биродаркушлик бўлмаётганлигига шу «Қайсар Осиёлик» қалқон бўлиб турганини чет эл матбуотию ғанимлар ҳам тан олаяптилар.

Дипломатлар тилида «сиёсатчилар музокараси бесамар тугагач, тўплар тилга киради», деган ибора бор. Шу сабаб Президент қирғин-барот урушларда қаҳрамонлик кўрсатгандан кўра, ана шу урушнинг олдини олишликни мардлик, деб билади. Унинг минтақада бир неча бор гугурт ўқдори тўлдирилган бочканинг портлаши муқаррар бўлишидек ҳол юзага келганда тинчликни сақлаб қолганлигини унутмаслигимиз керак. Лекин бундай ҳалокатли ҳолатни ҳар сонияда юзага келтиришга уринаётганлар йўқ эмас. Унинг Фарғона фожиаларидан кейин «Ўзбекистонда миллий низолар оқибатида бошқа бирор томчи қон тўкилмайди», деб берган ваъдасининг устидан чиққанлигини ҳам унутмайлик. Унинг бу ҳаракатига халқимиз ҳам матонат билан кўмаклашяпти. Жаҳонда шундай подшоҳлар бўлган ва борки, улар ўз фуқароларидан безиб, халқи эса подшоҳидан безиб яшайди. Шукурки, Ўзбекистон раҳбари халқни севиб ардоқлайдиган инсон. Шу боис ҳам халқимиз уни мудом бошига кўтаришга тайёр. Бахт қуши эса одатда бирдамлик ва аҳиллик бор ерни излар экан.

Юртбошимиз барча хуружларга матонат билан, «сабр таги раҳмон», дея дош бериб, кечаю кундуз халқнинг ғамида юрибди. Лекин айримлар мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлаш билан банд раҳбаримиз шаънини ҳимоя қилиш лозимлигини унутиб қўймоқда. Давлатимизда чиқарилаётган қарорларга ўзгача тўн кийдириб, уларни оламга бузиб кўрсатиб, мустақилликни мустаҳкамлашдаги ишларга путур етказишга уринаётганларга нега етарлича зарба беролмаяпмиз?! Ахир ғанимларнинг бўҳтон мақолалари орамизда ҳали ҳам лоқайд юрганларни қармоқ билан тумшуғидан илиб, ўз домига тортишлик эмасми? Ишончсизлик уруғини сочиб, иккиланганларни йўлдан уришга гоҳо бир парча қоғозга битилган ёлғон етарлидир. Қоғоз оқлик саналади. Унга фақат ҳақиқат ёзилиши, яхшиликка ундовчи битиклар босилиши керак-ку. Ана шу оқликни қора ният билан тўлдираётганларга Президент эмас, ҳар биримиз, айниқса, зиёлилар ва журналистлар доимий зарба беришимиз лозим-ку!

Президент И. Каримов номини булғаш учун махсус вазифа олиб ижод қилаётган чет эл матбуот ходимлари ҳам эндиликда пароканда ҳолга тушмоқдалар. Чунки доимо ёлғон-яшиқлар ёзаётган газеталар, ҳақиқат ойдинлаша борган сари, ўз ўқувчиларидан айрилиб қолиши муқаррарлигини англагач, воқеликни тўғри ёзишга ўтмоқдалар. Бунга мисол қилиб Америкада ва Москвада чиқаётган нашрларни келтириш мумкин. Шу ўринда Американинг 16-Президенти Авраам Линколнинг ушбу сўзларини эслатмоқчимиз:

«Баъзи одамларни ёлғон сўз билан доимо чалғитиб келиш, кўпчиликни маълум вақт алдаш мумкин. Лекин барчани доимо алдаб бўлмайди». Бу ҳақиқат юзидан ёлғон пардасининг албатта кўтарилажаклигига шаъмадир. Оламга нотўғри ахборот берувчи мухбирлар фикрига қарши Ўзбекистон Президентининг тутган тўғри сиёсатию фаолиятига жаҳондаги улкан раҳбарларнинг берган баҳосини келтирмоқчимиз. Швейцария Конфедерацияси Президенти Одольф Огий: **«Муаммоларни ҳал қилиш ва давлати ривожи йўлини аниқ кўра биладиган Ислом Каримовдек Президенти бўлган Ўзбекистон ўз келажаги учун хавотирланмаса бўлади»**, Германия канцлери Гельмут Коль: **«Давлат ривожининг 5 принципини ишлаб чиқиб, уни қўрқмай оламга эълон қилаётган янги давлатнинг раҳбари тутган йўл муваффақиятнинг гаровидир».** Нақадар салмоқли сўзлар. Дунёнинг юксак мавқедаги раҳбарлари, сиёсатчиларидан Франция Президенти Франсуа Миттеран, АҚШнинг собиқ давлат котиби доктор Генри Киссенжерларнинг Президентимизга берган юксак баҳолари қатори Турғут Ўзолнинг: **«Каримов бутун давлат масъулиятини ўз зиммасига олиб фаолият кўрсатаётганини қувватлайман. Бу қаҳрамонликка тенг тўғри йўлдир»**, деган сўзлари замирида катта ҳурмат бор.

Биз урушдан кейинги қисқа давр ичида ўз тараққиёти билан жаҳонда олдинги ўринга чиқиб олган «Япон мўъжизаси»ни тан олиб, қойил қоламиз. Хўш, бу давлатнинг бундай тез равнақ топишига нималар сабабчи бўлди? Бунга жавоб — Япон миллий анъаналарининг иқтисодий ривож йўлига мос тушганлигидир. Осиёдаги бу мамлакат анъанавий давлатлар қаторига киради. Уларда турли табақадаги, турли ёшдаги жамият аъзоларининг бир-бирига ҳурмат ва иззатда бўлишлик удуми бор. Патернализм — ҳукмдорни отага, фуқароларини эса унинг фарзандларига қиёслаш принципига қўшилишликдир. Халқларни бошқариш калитини Конфуций таълимоти қуйидагича таърифлайди: «Ҳукмдор халқини ўз фарзандидек севиши, фуқаролар эса ҳукмдорини ўз отасидек ҳурмат қилиб эъзозлаши лозим».

Биз «Япон мўъжизаси»ни орзу қилар эканмиз, аввало улардаги каби Япон анъанасига интилиб, «Ўзбекистон бирлиги мўъжизаси»ни яратишимиз керак. Бунинг учун давлатимизда, анъаналаримизда улкан имкониятлар бор. Президент номини ҳимоя қилиш — ўз отамиз номини ҳимоя қилишлик билан баробардир. Шунингдек, эндиги вазифамиз уни, мамлакатимизни отилаётган таъна тошларидан асрашдир.

Президентимиз Ўзбекистонни инқироздан чиқариш учун ўзи ҳам ёниб, вазиру уламолардан ҳам катта фаолияту масъулият талаб қилмоқда. Ёдимизда, мустақиллик эълон қилиниб, жаҳон аҳли давлатимизни бирин-кетин тан олаётган вақт. Президент бутун олам ишбилармонларидан 600 кишини Тошкентга чақирди. Пойтахт тайёрагоҳида меҳмонларни кузатиш чоғида у бир неча вазирни четга чақириб, бутун вужуди ёниб, уларга: «Биз шундай катта анжуман ўтказиб, республикани тиклаш учун азоб чексак-у, сизлар нега улар билан етарли ишлар олиб бормадинглар? Фидойи ҳаракат қилиш вақти келди-ку!», деб танбеҳ берган эди. Унинг бундай аламли сўзларига эртаси куни телевидение орқали халқимиз ҳам гувоҳ бўлувди. Баъзилар шундан сўнг раҳбарликдан четлатилган эди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистонга ташриф буюрган чет эл намояндалари, катта фирмаларнинг раҳбарлари билан олиб борган музокаралари баъзан натижасиз тугаганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Чунки айрим корчалонлар «Ўзбекистон ёрдамга муҳтож мамлакат, биз қандай шарт қўйсак, кўнаверади», деган ўй билан йўл тутишганди-да. Лекин Президент ҳар сафар улар билан муте мавқеида эмас, балки давлатлар ўртасидаги тенг шериклик манфаати нуқтаи назаридан, ўзига хос ғурур билан музокаралар олиб борди. Ана шундан сўнг хорижликлар ҳам биз билан «ўзларини босиб», теппа-тенг гаплашадиган бўлдилар.

Президентимиз Германияга қилган сафари чоғида тутган йўлини хориж матбуоти қуйидагича баҳолади: «Каримов МДҲ раҳбарлари каби чет эл раҳбарларидан ёрдам сўраш эмас, ўзаро тенг ҳамкорлик масалаларини ўртага қўйди».

Ривоятда айтилишича, бир йўловчининг йўл четида тош йўниб ўтирган икки кишига кўзи тушибди. У «Нима қилаяпсиз?» деб савол берса, улардан бири «Тош йўнаяпмиз», дебди. Иккинчиси эса: «Қаср қураяпмиз», деган экан. Президентимизни сиёсатимизга, иқтисодиётимизга, маънавиятимизга аста-секин сайқал бериб, пировард натижани яққол кўриб ишлаётган иккинчи одамга ўхшатамиз.

Марказий Осиё мамлакатларининг тўрт томонини бирлаштириб турувчи Ўзбекистоннинг тинчлигига тиш-тирноғи билан қарши чиқаётганлар сафига яна янги бир тур хатарли душманлар қўшилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон бангидоричилари мафияси ишига тўғаноқ бўлаётганлиги сир эмас. Дунё мамлакатларига махфий равишда етказилиб бериладиган наркотик моддаларнинг катта қисми Афғонистоннинг Булужистон ва Пуштинистонида етиштирилиши ҳақида очиқ ёзилаяпти. Уларнинг йўли Ўзбекистон орқали ўтиши аниқланиб, республикамизда унга қарши кураш очилганлиги эса жиноятчилар тўдалари, Ғарбдаги нуфузли идоралар ишининг белига тепаяпти. Шу сабаб улар юртимизда қандай бўлмасин низо чиқариш, қон тўкилиб, шу йўл билан Президент эътиборини унга чалғитишга уринаяптилар. Энди халқимиз бундан огоҳ бўлиб, ўз раҳбарига бу йўлда ҳам кўмак бериши лозим.

Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси деб тан олинган юртбошимизнинг довюрак инсон эканлигига мисол тариқасида унинг собиқ Иттифоқ раҳбарлари орасида биринчи бўлиб республикамизда президентлик ҳокимиятини эълон қилганлигини эслаш лозим. У ўзининг бундай дадил ҳаракати билан собиқ «катта Президент» Михаил Горбачевнинг нақадар ғазабини қўзғатганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўшанда Каримов бу иш қанчалик хавфли, шароит нақадар қалтис эканлигини биларди, албатта. Аммо томирида Амир Темур қони бўлгаи раҳбаримиз ўзгача йўл тутишни лозим топмади. Горбачев ўз ҳокимлигининг сўнгги дақиқасигача Каримовнинг ўша шароитда миллат обрўсини оширишдаги бундай жасоратли қадамидан дарғазаб бўлиб юрди.

* * *

Республикамиз раҳбарининг минглаб иқтисодий алоқалар ришталари билан чамбарчас боғлиқ бўлган Россия давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати иқтисодий таназзулнинг олдини олиш, ҳамкор қўшничиликни ривожлантиришга қаратилгандир. Ушбу икки давлат раҳбари олдиларига ўз халқларини фаровон ҳаётга олиб чиқиш мақсадини қўйиб, ўзаро шартномалар тузиб, уни собитлик ила амалга ошириб бормоқдалар. Лекин баъзи корчалон сиёсатдонлар яна мустақил давлатларни марказлаштириш, уларни қарамлик домига тортиш илинжида. Ислом Каримов эса эски тузумга қайтиш халқимиз шаънини ерга уриш, деб билмоқда ва бу йўлдаги уринишларга дадил қарши чиқмоқда. Президентнинг бу ҳаракатига ҳам ҳаммамиз бирдек елкадош бўлайлик. Ўзбекнинг дўппили боши, белбоғли бели энди ҳеч қачон марказга эгилмасин. Ўзбекни тағин Москвага сиғинишдан, ундан ҳайру илтифот сўрашликдан сақласин. Аммо, афсуски, собиқ марказга йиғилиб олган баъзи дўпписиз ватандошларимиз ҳамон қитмирлигини қўймаяптилар.

Президент бир неча бор ўз халқига мурожаат қилиб: «Биз равнақ топган давлатлар қаторига чиқиш учун, аввaламбор, юртимизда фуқаролар тотувлигига эришишимиз лозим. Олам аҳли тинчлик барқарор юрт билангина иқтисодий алоқалар олиб боради. Чет эл раҳбарлари фақат ўз сармоясидан фойда кўрсагина, манфаатдор бўлишига кўзи етсагина Ўзбекистон билан шартномалар тузади. Шу сабаб тинчликни кўз гавҳаридек асрашлик — олий мақсадимиздир», деган сўзларини унутмаслигимиз керак.

Минтақадаги тинчликнинг асосий сабабчиси Ўзбекистон раҳбари эканлигини кўрган тийрак чет эл мухбирларидан бири яқинда гапнинг пўсткалласини айтди-қўйди: «Ўзбекистон Республикасида яшаётган, ўз юртида қочоққа айланмаган ва тарқалиб кетмаган миллионлаб кишилар номидан унга катта раҳмат... Эҳтимолки, Каримов можаро энди куртак отаётганда уни бартараф этиб, халқаро ҳамдўстликнинг миллиардлаб маблағини тежаб қолаётгандир. Балки у Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатишга арзир».

Ўтган йили Душанбе шаҳрига бориб, у ерда бўлаётган бебошликлар, қонли воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. У заминда аҳвол даҳшатли, халқ фарёди, алами чексиз эди. Одамлар кўзида қўрқув, ишончсизлик. Биз Тожикистон раҳбариятининг жиловини қўлдан чиқариб юборган «чегарасиз демократияси» «қонли демократияга» айланиб, ақл бовар қилмайдиган ваҳшийликларга олиб келганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Кечки пайт комендантлик соати жорий қилиниб, кўчаларда фақат бронетранспортлар юрар, ҳарбий машиналар кўринарди, холос. Одамлар уйдан кўчага чиқишга қўрқардилар. Ҳарбийлар кучли микрофонлар орқали аҳолига комендантлик соати тартиби ҳақида бетиним тушунтиришлар бериб боришарди. Самолётда ўша куниёқ Тошкентга қайтдик. Кечки пайт хонадонимизда қулоғимизга яна микрофон орқали айтилаётган сўзлар чалинди. Юракни бир зум совуқлик босди. Лекин тезда англадикки, бу ҳарбийлар чақириғи эмас, бир ўзбек хонадони ҳовлисида бўлаётган тўйдаги табрик сўзи жаранги экан! Халқимизни Тожикистондаги каби чақириқлар куни қолишидан асрасин.

Ислом Каримов икки маротаба Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилиб, Тожикистондаги хавфли ҳолатга бутун дунё эътиборини қаратди. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи унинг чақириқларига қўшилиб, Тожикистонга ёрдам жамғармасига сидқидилдан ёндашиб, унга ўз ҳиссасини қўшмоқда. «Қўшнинг тинч, ўзинг тинч» деган нақлни Президент доимо такрорлаб келаяпти.

75 йиллик қарамлик чоғида вужудимизга сингдирилган ҳадиксираш, қўрқув ҳисси юксак Ватан туйғуси, миллат ғурури топталиб, сиқиб чиқарилганлиги натижасидир. Инсон узоқ вақт қоронғуликда бўлиб, ёруғликка чиққач, кўриш қобилиятидан вақтинча айрилгани каби ҳозир ҳам шол бўлиб, бўйнидаги қуллик занжири ечилганига ишонолмай, қафас ёнидан кетолмаётганлар ҳам бор. Юртнинг яхши-ёмон кунлари, ёв босгану хавфда қолган чоғлари бўлади. Ўшандай вақтларда бундайларга ишониш мумкинми?! Бундай кишиларни Ўзбекистоннинг ҳақиқий ўғлони дея олмаймиз. Мустақиллик юрагида ўти бор, шижоатли, миллий ғурур ҳиссига эга бўлганларнинг даври. Энди шундай пайт келдики, Президентнинг якка ўзи тинчлик паноҳи, нажот қалқони бўлиб турмай, унинг ёнида ўнлаб, юзлаб, минглаб ўзбек ўғлонлари тизма тоғдек қомат кериб, унга суянчиқ бўлсинлар. Миллатимиз қоматини олам узоқлардан ҳам кўриб, ҳавас қилсин. Ҳеч ким бизга хуруж қилганини ботинолмасин.

Ўзбекистон халқи бирдамлиги ҳақида фикр қилар эканмиз, ҳозирги кунда унинг яна бир бор ҳаёт синовларидан ўтиб, тобланиб бораётганлигига амин бўламиз. Лекин миллат ғурурини, халқ ишончини оёқ ости қилаётганлар, давлатимизга иснод келтираётганлар ҳам учрайди. Бугунги кунда хорижий давлатларда Ўзбекистон учун фаолиятини «кенг қулоч ёйдираётган» юртдошларимиз Абдураҳим Пўлатов, Анвар Усмоновлардир. «Бирлик» ҳаракатининг фаоллари сидқидилдан ишонувчан, бой ҳис-ҳаяжонларга эга эканликларидан фойдаланган бу шахслар ўз манфаатлари йўлида кўп ҳолларда уларни боши берк кўчаларга олиб кирдилар. Ўша даврларда журналистлар бирликчиларни «сидқидилдан адашаётганлар» деб аташувди. Лекин А. Пўлатов ва А. Усмоновлар сидқидилдан ўзга нарса — мансабга интилганлардан бўлиб чиқдилар.

Демократиянинг бебош кўринишли даврларида ҳали сиёсий тажрибага эга бўлмаган бу ҳаракат раҳбарияти орасида низо чиқиб, унда бўлиниш юз берди. Оқибатда ушбу ҳаракат бошқариб бўлмайдиган салбий тус олиб, қонли воқеалар бошланиб кетганда, юртимиз тинчлиги учун масъулият кимнинг бўйнига тушар эди?! Афсуски, уларнинг кейинги фаолиятларида ҳам ўзгариш бўлмаяпти. Ўзлари ҳеч қандай аниқ йўл кўрсатмаган ҳолда, улар халқни беўрин жунбушга келтирувчи чақириқлар уюштириб, республикада ижобий ўзгаришлар томон олиб борилаётган ишларни, раҳбарларини қоралашга ўтишди. Халқ бирлиги билан «Бирлик» ҳаракати йўллари айри тушганлигини минг афсус билан айтиш лозим. Ўзбекистон ўз елкасига оғир юк олиб, юзлаб, минглаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун курашаётган даврда бундай подабоши эчкиларнинг «ҳунарлари» дард устига чиққан чипқонга ўхшайди.

Абдураҳим Пўлатов ҳануз хорижлик акалари бағрида. Ўз уй-хаёлларида ўзбек халқи Сахарови, Солженицини бўлиб юрган бу юртдошимиз тутаётган йўл хоинликдан бошқа нарса эмас. У ва унинг кабилар ўз ватанларини энг қалтис даврда, мустақилликнинг биринчи қадамлари қўйилаётган пайтдаёқ сотдилар. Улар ватанфурушлик билан чегараланиб қолмасдан, она юртимизга четдан зарба беришга уринишяпти. Илгари Фарҳодлар халқ ташналигини қондириб, юртни обод қилиш мақсадида сув келтириб жафо чеккан бўлсалар, бугунги «қаҳрамонларимиз», душманларимиз иғво тегирмонига сув қуймоқдалар. Улар сув ичган қудуқларига, туз татиган қозонларига тупурмоқдалар.

Сир эмаски, коммунистик ғоялар, коммунистик партия халқларимизни «Бунёдкорлик ишларига», «ғалабага» эришишда қийинчиликларни енгиб ўтишда кучли хитоб, чақириқ вазифасини ўтади. Ота-боболаримиз жон-дилидан бу «эзгу» ишларга киришиб, қизил байроқ остида қаҳрамонона ҳаёт йўлини босиб ўтдилар. Кейинчалик маълум бўлдики, коммунистик чақириқлар, хитоблар маълум давр кишиларини руҳлантириб, сўнгра уларни боши берк кўчага олиб кириб қўювчи, реал ҳаётдан узилиб қолган йўл экан. Социалистик турмушимиз даври кўнгилга тегувчи, киши шаънини таҳқирловчи, номақбулчиликлардан кўз юмушга мажбур қилувчи фотиҳасиз туғилган тузум даври эканлиги исботланди. У ҳаром халқумликни, беномусликни, қўшиб ёзиш, ўғрилик ва порахўрликни келтириб чиқарди. Хайриятки, бу йўлдан воз кечилди! Буни даврнинг ўзи тақозо қилди. Сохталик даври ўтиб, энди ҳақиқат билан юзма-юз келиб, янгиланиш ишларига шайланган вақтимизда баъзилар яна ўша тузумни истаб, уни хумор қилмоқдалар. Ахир бугунги қийинчиликлар, муаммо тўла кунларимиз ўша ҳаётдан узилиб қолган сохта йўл натижаси эмасми?!

Кишилар борки, кексайган сари файзи ортиб, борлиғидан, юзу кўзидан нур ёғилиб, барчанинг ардоғига муяссар бўлади. Аммо шундайлар ҳам борки, қаригач, ўзига номуносиб ишлар қилади. Афсуски, орамизда узоқ йиллар кўпчиликнинг ҳурматини қозониб келган баъзи отахонларимиз қарилик гаштини суриш ўрнига «компирқани тиклайман, унга бош бўламан», деб юрганлиги кишини ажаблантиради. Бу нима—мансаб лаззатига ўчликми ёки кексайиб қолгани учун бошини айлантирганлар найрангига ишонганликми?

Бугун бундан етмиш беш йил аввал коммунистик партия ва марказ томонидан Ўрта Осиё миллатлари оёғи остига махфий равишда кўмилган, маълум вақт ўтиб вайрон қилишга мўлжалланилган модда портлаш ҳолатига келди. Энди уни эҳтиёткорлик билан зарарсизлантириш — миллатлар орасида низо чиқишининг олдини олишликдир.

Минг афсуски, амал курсисининг жозибасини ватан тинчлиги, эл осойишталигидан устун қўяётган юртдошларимиз ҳам бор. Узоқ тарих ва яқин ўтмишдан маълумки, Цезарларга Брутлар, Горбачевларга Янаевлар «садоқати» каби Каримов учун ҳам «садоқатли» дўстлар топилиб қолиши мумкин. Уларнинг давлатимиз Олий мажлиси чоғида амалга оширмоқчи бўлган ниятлари бунга мисол бўла олади.

Ўшанда Президент истеъфо беришини талаб қилиб чиққанларнинг ягона мақсади энг юқори лавозим эди. Президент ишонч билдириб, ҳамкор бўламиз деб, қуйи поғоналардан етаклаб, юқорига тайинланган кишилар унга ҳамла қилиб қолдилар. Бу «ит қутурса, эгасини қопар», деган нақлни эслатади.

Мажлисга катта тайёргарлик ишлари олиб борилгани, микрофонлар олдига йиғилиб, сўз сўраганларнинг барчаси фитна учун тайёр эканликлари, яъни воқеалар олдиндан ишлаб чиқилганлиги айрмларни ҳатто гангитиб қўйди. «Қалъа ичкаридан олинади» деганларидек, фитнага бош бўлганлар орасида амал учун ўз эътиқоди, Ватан туйғуларини ҳам сотган ёш амалпарастлар, мансаб ҳирсига тўя олмаётган юқори мартабали шахслар ҳам бор эди. Улар ноиблар орасида қўпорувчилик ишларини олиб боришган, уларга турли лавозимлар ваъда қилишган, «Ким биз билан бўлмаса — бизга қарши», деб дўқ-пўписалар қилиб улгурган эдилар. Улар ҳаракатида маҳаллийчилик, уруғдошлик анъанаси бош омил бўлганди. Лекин имонли ва иродали халқ ноиблари хиёнаткорларнинг бу қутқуларига учмай, босиқлик билан уларнинг шаштини қайтаришди.

Ёв қочса, ботир кўпаяди деганларидек, ана шундан кейингина тарози палласи қайси тарафга оғар экан, деб ўтирган ноиблар ҳам тилга кирдилар ва Президентни ҳимоя қилишга тушдилар.

Сессиядан сўнг бизга икки нарса ғоят қаттиқ таъсир қилди. Улардан бири — баъзи ноиблар чўнтакларида икки хил нутқ битилган қоғоз олиб келгани. Депутатлар уларни вазиятга қараб ўқимоқчи бўлганлар. Буни, албатта, бир-бирларига билдирмаганлар. Улар агар Президентга қарши гуруҳ енгиши аниқ бўлиб қолса, чап чўнтакдагисини, бордию Президент тарафи юқори кела бошласа, ўнг чўнтагидаги «оташин нутқи»ни ўқишга шай эдилар. Мана баъзи ноибларимизнинг ички қиёфаси!

Кишини ўйлантириб қўядиган яна бир ҳол. Сессия мажлисидан кейин биз Президент номига мадҳиялар ўқиб, унинг номини сотиб, ўзларига паноҳ қилиб юрган баъзи ноиблардан «Нега сиз қалтис вақтда юртбошимизни ҳимоя қилиб сўзга чиқмадингиз?» деб сўраганимизда, «Мен сўз сўраганимда, бермадилар», деб, ўзларининг қўрқоқликларини беркитмоқчи бўлдилар. Кишини яна бир нарса ўйга толдиради. Инсон бирор ишга киришганда, албатта, кўнглида «Оллоҳ мададкор бўлсин», дейди. Лекин фитначилар мажлис арафасида махфий йиғилган чоғларида ёки уларнинг ҳар бири юксак минбардаги микрофон олдига бораётганларида қайси Оллоҳдан мадад сўрадилар экан? Ахир Оллоҳ ягона-ку! Наҳотки, улар Яратган бундай паст ишларга қўл урган ғирромларни қўллайди, деб ўйлаган бўлсалар? Бизнингча, уларнинг худоси — мансаб бўлган, холос.

Яна бир савол: амалпарастлик қон-қонига сингган ўша одамлар наҳотки вақт ўтиши билан бир-бирларининг гўштларини ейишга ўтмас эдилар? Ахир халқимизда «тарки одат амримаҳол», деган мақол бор-ку. Бировни сотган, ўзгани ҳам сотади-ку. Наҳотки, бутун ўзбек халқи улар тутган сиёсатларини қўллаб яшайверади, деб ўйлаганлар? Уларни ўзларининг ниятлари оқибатида жанжал чиқиб, халқ орасида аҳиллик кўтарилиб, қонли фожиа рўй бериши ҳам заррача ўйлантирмаган эди. Яна такрорлаймиз: сабаби — улар учун мансаб ҳамма нарсадан устун бўлганди.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача», дейдилар. Улар ўз қилмишлари билан ўзларини шарманда этишди. Бизнингча, улар ҳануз ўз ниятларидан қайтмаганлар, ўзлари учун қулай пайт пойлаб ётишибди. Булардан огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тарихда партия ва фуқаролар қарама-қаршиликлари қандай натижаларга олиб келганлигига мисоллар кўп. Шулардан бири Арабистонда юз берган воқеалардир. 48-йил Фаластин билан Исроил давлатларининг ҳар бири ўз мустақил йўлига эга бўлди. Исроилликлар тарих тақдим этган бу имкониятдан оқилона фойдаландилар. Улар зудлик билан ички сиёсий партияларнинг низоларини тугатиб, уларнинг бор куч ва имкониятларини ягона мақсад — Исроилни оёққа турғазиш, уни мустаҳкамлаш ишига қаратдилар. Тез орада бу мамлакат жаҳонда равнақ топган давлатлар қаторига чиқиб олди. Унинг акси ўлароқ Фаластин давлати фуқаролари эса турли мухолиф партиялар жангини авж олдириб юбордилар. Партиялар раҳбарлари давлат раҳбари бўлиш учун талашиш йўлига ўтишди. Шу сабабли Фаластин давлати ўз имкониятини бой берди. Ана шундай низолар натижасида ҳолсизланган мамлакат эса кейинчалик кучга тўлган Исроил давлатига қарши тура олмади. Бу биз учун ибрат бўлишга арзигулик тарихий воқеадир.

Бир нарса киши қалбига далда беради. Ҳозир ёшларимиз ҳам, зиёлилар ҳам, отахонларимиз ҳам турли давраларда, кўча-куйларда, йиғинларда, чойхонаю тўй-ҳашамларда сиёсатдан гап очадилар. Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволи хусусида фикр алмашиб, юртимизни қандай қилиб оғир аҳволдан олиб чиқиш хусусида куюниб баҳслашадилар. Биз буни кўриб, дилдан қувониб юрибмиз. Бу жамиятимиз фаоллашиб бораётганидан далолатдир. Эндиги ўзбеклар илгаригиларидан ўз қадр-қимматини билишлик, турли ниқоб остидаги сиёсий муттаҳамликларни дарҳол англаб олиши, ўз юрти фойдасини кўзлаб, амалий ишлар олиб бораётганлиги билан фарқланади.

Афсуски, баъзи ватандошларимиз ҳануз қайси вақтда яшаётганликларини англаб ололмаяптилар. Ҳозир ўзбек халқи учун энг шарафли давр — мустақилликнинг биринчи қадамлари қўйилаётган вақт келди. Келажакда авлодларимизнинг «Мустақилликнинг биринчи йилларида сиз нима билан машғул бўлгансиз?» деган саволларига «Мен мана шундай-шундай ишларни қилганман» деб, ёруғ юз билан мағрур айта олайлик. Ҳар бир киши ким ва қаерда ишлашидан қатъи назар, Ўзбекистон мустақиллиги учун чин юракдан хизмат қилиши керак. Баъзилар «мен кичик одамман, бундай ишларнинг менга алоқаси йўқ», дейишлари мумкин. Лекин бу сўзларни келажакда фарзандлари, авлодларга айта олмайдилар. Ҳеч бир фарзанд ва авлод отаси ёки бобосининг миллат тақдири ҳал қилинаётган вақтда «Мен кичик одам эдим» деган баҳонасини инобатга олмайди, оқламайди. Шунинг учун ҳозир улуғ ўзбек миллати тақдири ҳал қилинаётган вақтда барча қўлидан келганича ҳаракат қилиши керак. «МЕН ЎЗБЕКМАН» деб юрган ҳар бир киши учун бугунги кунлар катта имтиҳондир.

Халқ сайлаган, бутун миллатни бирлаштираётган Президент атрофида янада жипслашиб, ҳар қандай адоват ва гиналарни йиғиштириб, ягона мақсад — буюк Ўзбекистон қудрати учун курашмоқ ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Халқимизда «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», деган нақл бор. Бу сўзлар нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Бугун Ўзбекистон тарихининг янги саҳифалари очилаяпти. Уни буюк ютуқлар билан тўлдириш, миллат довруғини оламга ёйиш ўз қўлимизда.

Давр ватанпарварликка, садоқатга чорлайди. Уруғ тоза заминга тушсагина, ундан баркамол ниҳоллар унади. Ўзбекистон — тоза замин. Бу гўшада яшаётган фуқаролар, бўлажак соғлом ва баркамол авлодлар шарқона ғурур билан барча қийинчиликларни енгишига аминмиз.

Ўзбекистон — улкан карвон. У ўз сардори бошчилигида катта йўлга чиқди. Йўлда унга Темур руҳи, Навоий руҳи, барча азизларимиз руҳи ёр бўлиб, кўзлаган манзилига етишида бандалари содиғу, Яратган мададкор бўлсин. Оллоҳ бир, иймон бир бўлганидек Ватан ҳам бирдир.

Ватан ватанпарварлари кутаяпти!

ХЎЖА АББОС ўғли,
МУСЛИМ ЎЗБЕК ўғли.

• Сиз кутган учрашув

Дунё таниган ҳофиз, жаҳонга тожик санъатини танитган Жўрабек Мурод билан суҳбатлашганимдан сўнг орадан аввал кунлар, энди ҳафталар қувалашиб ўтиб бормоқда. Лекин суҳбатни қоғозга тушириш қийин кечмоқда. Қўлимга олишим биланоқ қалам кўз ёши тўкади, қоғоз бағримни тирнама, дея тавалло айлайди. Кўз олдимда фақат тожикнинг эмас, ўзбекнинг-да севимли ҳофизи бўлган Жўрабек Мурод пайдо бўлади. Кўпни кўрган, минглаб одамлар кўнглини ўзининг сеҳрли санъати билан овлаган, мисқин дилларга хушнудлик ато этган ҳофиз ўксиниб-ўксиниб юрак дардини айтаркан, шунча пайт бошига минг оғир савдолар тушганда ҳам кўз ёшини кўрсатмаган инсон баралла йиғлар экан, сочингандан тортиб тирноғингача тош бўлса-да чидаёлмас экансан...



Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Жўрабек ака, сиз билан узоқ вақтдан бери суҳбатлашишни кўнгилга тугиб қўйгандим. Лекин ҳар гал ўтган йил ёзида Самарқандда айтган қўшиқларингизни эслардим-у, шаштим пасаярди. Ўшанда қадимий шаҳарда мустақил Ўзбекистон заёминнинг биринчи ўйини ўтказилаётганди. Сиз Регистон саҳнида туриб ашула айтдингиз. Ўшанда, билмадим, менга шундай туюлдими, қўлингиздаги тор йиғлади, юрагингиз йиғлади...

Ҳофиз хўрсинади...

— ...Кечирасиз, ҳали айтдим-у, бу суҳбатни анча сабабдан орқага сурганимни, ярангизни янгиламоқчи эмасман. Лекин барибир ўшанда кўнглимдан ўтган гапларни айтаман: наҳотки, бир санъаткор халқи учун, юрти учун шунчалик хизмат қилса-ю, вақти келиб (боринги, у хато ҳам қилди, дейлик), у Ватандан айри тушса, наҳотки, Жўрабек Мурод қувғинга учраса, деб ўйлагандим. Ахир, ўшанда Сиз куйламасдингиз, ёнаётган юрагингиз тингловчи юрагини-да пора-пора қиларди. «Бехабарлар» деган қўшиқни айтганингизда, бутун Регистон, Самарқанд маҳзун бўлиб қолди гўё...

Ҳофизнинг баралла кўз ёши тўкаётганини кўриб хижолат тортаман, ўз-ўзимдан хафа бўламан. Ўтган — ўтди-кетди, бу гапларга не ҳожат эди? Жўрабек аканинг ўзи мени ноқулай вазиятдан қутқаради:

— Ўтган йилнинг 6 майи эди. Эллик ёшга тўлгандим. Уни баҳоли қудрат нишонлашни ўйлаётгандим. Тақдир экан, салкам ўттиз йиллик умрим кечган юртим пойтахтидан жонимни олиб қочдим... Мен бу гапларни ҳеч кимга айтмоқчи эмасдим. Билмадим, сизга айтгим келяпти...

1992 йил май ойининг бошлари Тожикистон бошига тушган фожиаларнинг авж нуқтаси бўлди. Ўшанда Олий Кенгаш биноси олдида ўқ узилиб, жумҳурият миқёсидаги депутат, «Садои мардум» газетаси бош муҳаррири Муродали Шерализода ўлдирилди. Душанбенинг гоҳ у ёғида, гоҳ бу ёғида қон тўкилди — не-не йигитлар ҳалок бўлди. Икки майдон — Шаҳидон ва Озодидаги кишилар бир-бирларига душманга айланди. Жўрабек Мурод ўша таҳликали кунларда шаҳарни тарк этди....

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Билмадим, менинг айбим нима экан? Лекин бошимга катта пул ваъда қилингани аниқ. 6 май куни уйда ухламасдан ўтириб чиқдик. Эртасига озгина имкон топиб, иккита машинада йўлга чиқдик. Мен торим солинган машинадаман, оилам бошқасида. Ўлдиришсаям мени ўлдиришсин, дея шундай йўл тутдим. Душанбедан Турсунзодагача минг азобда етиб бордик. Регарга кираверишда Шаҳидончилар ушлашди. Битта ёш йигит мени таниб қолди. «Ака, тез гузар (тез ўт), дея йўл кўрсатди. Билмадим, бошлиғи келиб қолганда нима бўларди. Кўряпсизми, ҳар икки майдонда ҳам чин инсонлар бор эди. Регардан чиқаверишдаги тўсиқ яқинида яна тўхтатишди. Тўхтатган мелисанинг мақсадини кўнглим сезди. У афтидан «Шаҳидон» тарафдорларидан ўхшарди, мени тутиб қолиши турган гап. У йигит бошлиғига тожикчалаб мурожаат қилди: «Акаи Жўрабек бу, нима қилайлик?» Бахтимга унинг бошлиғи — ўзбек йигит мелисанинг гапига қулоқ солмади. Қайтага уни жеркиб берди: «Қандай одамсан ўзи? Оч! Йўл очилгач, мени ундади: «Устоз, тез ўтинг!..»

Ҳофиз яна оғир тин олади. Тушунib турибман, агар ўшанда бошлиқ ҳам ноинсоф бўлганда санъаткорнинг бошига не савдолар тушарди...

— Сариосиёга, Ўзбекистон ҳудудига ўтгандик, ҳаракатни бошқариб турган офицер ҳамма машиналарни тўхтатиб, бизга йўл очди. Унинг илтифот билан айтган сўзлари гўёки менга иккинчи умр бағишлади. Ҳали-ҳали бу сўзлар қулоғимда жаранглайди: «Буёғига ташвишланманг. Оқ йўл, сизга!» — деди ўшанда сариосиёлик йўл назоратчиси ярим ўзбекча, ярим тожикча сўзлаб.

Жўрабек Муроднинг бошига кўп қийинчилик тушди. Ўша таҳликали кунларда ўзининг уйига ҳам, ўғлининг уйига ҳам ўгри тушди. ўғлининг уйига кирган ниқоб тутган ўгрилар эшик орқасига яширинган болаларни кўрмай қолишди. Йўқса...

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

—Майли, мени ўлдиришсин. Лекин фарзандларимнинг, невараларимнинг нима гуноҳи бор?

— Сиз ўзингизнинг қарашларингиз билан аввалига демократлар сафида эдингиз. Нега Сизни ёқтирмай қолишди?

— Ёқтирмай қолишдигина эмас, мени «халқ душмани» деб эълон қилишди. Ўз халқимнинг душманн эмишман!!! Балки «Озоди» майдонида сўзлаганим кўпларга ёқмагандир. Ахир, мен ўшанда чакки гап айтмагандим. Ҳар икки майдонда тўпланганларга қарата «ҳаммамиз бир одаммиз, бу ишлар яхши эмас», дегандим. Яна Президент сайлови пайтида раҳматли Раҳмон Набиевга ён босганим айримларнинг ғашига тегди. Ўша пайтдаги номзодлар орасида Президент учун энг муносиб киши Набиев эди-да...

Телефон жиринглайди. Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Ўринбек Ҳамдамов экан. «Ўринбек, опангизнинг ёш кетганига афсусланяпман, — тасалли беради Жўрабек ака. — Лекин барибир худога шукур қилинг. Опангиз ўз ажали билан дунёдан ўтибди. Қанча одамларни ўлдириб кетишди-я. Ишқилиб, буёғига ёш болалар сира етим қолмасин...».

Мен беихтиёр бу сўзларни эшитарканман, гарчи ҳозир ўзининг яқин ойларда кечган ҳаёти ҳақида лар деяпсиз? Мени қўятуринг, Ҳозиргина айтдимку, биринчи навбатда кимларни кинога олиш зарурлигини...».

Мен санъаткорнинг тожик санъати арбоблари ҳақида куйиниб сўзлаётганлигини кузатаман. Унинг гаплари ҳақ. Биз олдимиздан оққан сувнинг қадрига етмаймиз. Борди-ю... Ўзимнинг шайтоний бу ўйимдан ўзим чўчиб кетаман...

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Сизни ойнаи жаҳонда иккинчи марта Душанбеда бўлиб ўтган Бутунжаҳон тожиклари симпозиумида кўргандим. Адашмасам, 1992 йил кузининг боши эди. Ушанда Сиз ҳақингизда ҳар хил миш-мишлар юрарди. Сизнинг Душанбега боргани-гизданн ҳам қувондим, ҳам ҳайрон бўлдим...

— Бу симпозиумга менинг хо-

Бу «уҳ» сабабини тушунишга ҳаракат қиламан. Душанбеда унинг ўттиз йиллик умри қолди. Ўғиллари учун (ҳофизнинг тўрт ўғли бор) топган-тутганини сарфлаб, олган уйларини ташлаб келди. Ўғилларидан бири мактабни Душанбеда тамомлаши зарур эди. Умр йўлдоши — Мушаррафа ўғлини олиб имтиҳонлар олдидан йўлга чиқди.

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Ажаб замонлар бўлди-я, Тожикистонлик бўла туриб, Душанбега боролмасам-а... Абдуллабек акамни саккиз ой кўрмадим...

Жўрабек ака, яқинда ойнаи жаҳонда ёшлар билан савол-жавобларингизда рафиқангиз ҳақида кўп илиқ гапларни айтдингиз, — дея атайлаб суҳбатни бошқа томонга бурмоқка уринаман.

Биз ўзбек дўстларимизнинг тожик санъаткорига бўлган бунчалик эҳтиромларидан беҳад мамнунмиз.

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Мен ўзбек халқи олдида мудом таъзимдаман. Ҳурматли Президент Ислом Каримов, вилоят ва шаҳар раҳбарлари, санъаткор дўстларим, оддий мухлисларимнинг менга нисбатан бўлган ҳурматларини, хизматларини унутиш мумкин эмас. Мен ўттиз йил ашула айтган бўлсам, шундан 20 йилини Ўзбекистонда ўтказдим, десам хато қилмайман. Лекин ўзбек халқи олдидаги хизматимни ҳали тўла бажо этган эмасман.

— Ўзбек санъаткорлари орасида устозларим кўп деганингизни эшитганман...

— Мен раҳматли Ҳожи Абдулазизни, Юнус акани, Тўйчи ҳофизни, Жўрахон ака, Маъмуржон ака, Комилжон акаларни ўзимга устоз санайман. Фахриддин ака ва Таваккал акалардан кўп ўрганганман. Бобомурод, Хайрулла, Ортиқ... Санъаткор ўзбек дўстларимнинг ҳаммасини атаганим билан тугаши қийин...

— Сизни жуда эрта қўшиқ айтган, дейишади. Оилангизда санъаткорлар ўтганми?

— Раҳматли отамнинг яхши овозлари бор эди. Тўй, базмларда ашула айтардилар. Бир неча ашулаларимнинг куйини у кишидан олганман. Онам халқ термаларига уста эдилар. У кишидан ҳам кўп нарса ўрганганман. Беш-олти ёшлигимдан отамдан «Майда-майда» деган халқ қўшиғини ўрганиб айтганман...

— Шогирдларингиз кўпми?

— Худога шукур. Шогирдларим бор экан, оғир кунларда мени қўллашди. Ҳали Давронжон ҳақида гапирдим. Яна қай бирини айтай? Хўжандлик Абдужалил Раҳимовними, сўхлик Раҳим Шодмоновними, Душанбеда ишлаётган Афзалшоҳ Шодиевними ё Хосият Ортиқованими, Қурбон Содиқовними ё Хурсандмурод Зарифовними... Душанбедаги воқеалардан сўнг мен бир хилват бурчакни топиб, умргузаронлик қилмоқчи эдим. Аввало, хўжандликларга раҳмат — мени санъатга, саҳнага, ҳаётимга қайтаришди. Қолаверса, мени қўллаган барча шогирдларимга, дўстларимга раҳмат!

Хўжанднинг донғи кетган қасри — Арбобда ўзбекистонлик ва тожикистонлик дўстлар учрашганда Жўрабек Мурод бир ибратли ҳикоятни сўзлади. Алишер Навоий тез-тез Абдураҳмон Жомийни зиёрат қилиб турарканлар. Бир куни Ҳазрат устозларининг ўғлини саволга тутибдилар: «Менинг узугим чиройлими, отангизникими?» Бола жавоб берибди: «Отамники». Ҳазрат яна сўрабдилар: «Менинг уйим чиройлими, сизларникими?». Бола: «Бизники». Ҳазрат бу жавоб сабабига қизиққанларида бола шундай дебди: «Отамнинг узуги чиройлироқ, чунки уни сиз тақдим этгансиз. Уйимизнинг чиройли эканлигига сабаб эса, унга Сиз ташриф буюргансиз...»

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Сизнинг тожикистонлик ўзбек шоири Ўлмас Жамол шеъри билан айтиладиган «Ширу шакар» қўшиғингиз бор. Шу қўшиқнинг яратилиш тарихи ҳақида ўзингиздан эшитмоқчийдим.

— Мен ўзбек-тожик дўстлиги ҳақида бир яхши қўшиқ айтмоқчийдим, Ўлмас акадан шеър ёзиб беришни сўрадим. У киши бир ажойиб шеър ёзиб бердилар. Неча йиллардан бери шу қўшиқни айтиб келаман. Сўзлари ҳам хўп ажойиб-да. Майлими, бир-икки мисрасини айтсам...

— Қанийди...

— Тожикистон ўғлидурман,
ўзбегим гуфто писар,
Рост гўям ҳар қадоме,
севгилим жон қадар.
Аз қадим тожигу ўзбек эт
билан тирноқ эрур,
Қон-қариндошлик шиораш
қўлида байроқ эрур...

— Урни келганда сўрайин, қайси шоирларни кўпроқ яхшн кўрасиз?

— Мумтоз шоирларни.

— Ҳозир юрагингизда ўзингизга тинчлик бермаётган қандай сўзлар бор?

— Аввало, дунё, жумладан, Тожикистон тинч бўлсин! Охирги бир йилда мен кўрган кунларни душманим ҳам кўрмасин. Мен қандай яхшилик кўрсам, худодан деб биламан, ёмонликни эса, ўзимдан. Худо берган умрини ўзи олсин, ҳеч ким ҳеч кимни ўлдирмасин!

— «Халқ сўзи» ўқувчиларига истакларингиз...

— Халқ тинч бўлса, биз, санъаткорлар ҳам тинчмиз. Тожик ва ўзбек дўстлигини эҳтиёт қилишимиз зарур. Чунки бу дўстликни бузишга уринадиганлар ҳам бор. Ахир, ер битта, осмон битта, худо бир, ҳаво бир. Наҳотки, айрим гофиллар шуни тушунишмаса? Ўзбекистонда ҳам мудом осойишталик бўлсин!

Ўринбой УСМОН
суҳбатлашди.

Хўжанд.

Фарғона:

ШАФТОЛИ МАВСУМИ

ЁКИ РУС ҚОЧОҚЛАРИ НЕЧУН ЯНА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТИШЯПТИ

Фарғона водийсига келаётганлар сўнгги йилларда биринчи марта кетаётганлардан ошди. Бу фарқ бугунги кунда 15 минг кишидан ортиқ.

Қайтиб келганларнинг бири — Тамара Павловна Денисова. У нима учун қайтиб келдингиз, деган саволимни эшитиб, дастлаб маъюс жилмайди:

— Фарғонадан бўлак қаерда мана шундай икки қўлимда мева тўла икки пақирни кўтариб келардим? Қани, олинг: буниси олча, буниси ўрик.

Кейин жиддий тарзда давом этди:

— Бу қайтиб келишимиз осон кўчгани йўқ. Ҳамма нарсани сотганмиз, аммо барибир пулимиз ҳам йўқ. Лекин бошқа нарса алам қилади. Буни сўз билан тушунтириб беришим қийин. Бу ерга, Фарғона вилоятига болалар уйидан келган эдим. Ота-онам урушда ҳалок бўлишган эди. Келишимиздаги йўл азоби ҳали ҳам эсимда. Хуллас, бир амаллаб етиб келдик. Диққатимизни тортган биринчи нарса ўзбекларнинг бағри очиқлиги бўлди. Улар қўлидаги нонини бўлиб ейишар экан. Йиллар ўтди. Ўғилларим вояга етишди. Бири Фарғона «Азот» заводида, иккинчиси нефтни қайта ишлаш заводида ишлашар эди. Обрўлари яхши эди. Уйимиз, машинамиз, мебелимиз бор эди. Ёзги момақалдироқдай тўсатдан содир бўлган «Фарғона фожиаси» ҳаммамизни довдиратиб қўйди. Бор нарсамизни сотиб, менинг ватаним Курск областига кетдик. Аммо бутун машаққатларимиз Россияга келганимиздан кейин бошланди. Курскда турадиган жойимиз йўқ эди. Бизга уй-жой ваъда қилиш қаёқда дейсиз, ҳатто хўмрайиб қарши олишди. Бир посёлкага бориб, бошпана топдик. Аммо бу ерда ўғилларимга иш йўқ эди. Ичкарироқдаги қишлоқларни айланиб кўрган эдик, ҳамма жойда умидсизлик, маст-аластлик, қашоқлик ҳамда касалларнинг тақдирига ўта бепарволикка дуч келдик. Кейин Горький областига кетдик. Лекин бу ерда ҳам на иш, на турар жой топдик, на бир инсоний муносабат кўрдик. Ахир биз бу ерга текинхўр сифатида келганимиз йўқ эди. Иккита ичмайдиган, девдай ўғлим ҳар қандай меҳнатга тайёр эди. Бироқ юртимиз бизни қабул қилмади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Ельциннинг халқ фаровонлиги ҳақидаги гапларини эшитаман-у, аммо унга ишонмайман. У оддий рус кишиларнинг тақдирига бефарқ қарайди. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистонга қайтиб келдик. Ўғилларим дарҳол ишга тушиб кетишди. «Азот» заводи маъмурияти бизга вақтинча бошпана берди. Кўчаларда маъ одамларнинг йўқлигини кўриб, хурсандлигим ичимга сиғмайди. Одамларнинг оғзидан сўкиш эшитмайсиз, жамоат транспортида ёшлар кексаларга жой беришади. Энг арзон нон ҳам Ўзбекистонда — бир буханкасини 10—20 сўмга оласиз. Сут 34 сўм туради. Яна: Ўзбекистонда пенсия ва стипендиялар МДҲдаги барча мамлакатлардагидан баланд. Қанчалик аламли бўлмасин, шуни айтишим лозимки, мен — урушда етим қолган, ҳозир меҳнат фахрийси бўлган рус аёли Ельциндан кўра Президент Каримовга кўпроқ ишонаман. Чунки бу ерда нон бор, тинчлик, осойишталик, кексаларга иззат-ҳурмат бор. Хўш, одамга бундан бўлак яна нима керак?

...Мен Тамара Павловнани бекатгача кузатиб қўйдим. Бекатда бир ўсмир унинг қўлидаги пақирларни олди. Троллейбус жилди. Мен азиз Фарғонам яна ўқ-дори ҳиди эмас, гуллар ҳамда ғарқ пишган мевалар ҳиди билан тўлганидан бахтиёр эдим. Доимо шундай бўлиб қолсин, ишқилиб...

Галина БИЛОЛИТДИНОВА.
(«Правда»нинг махсус мухбири).

(«Правда» газетасининг 1993 йил 21 июль сонидан).

Екатеринбург шаҳридаги Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Свердловск вилоят бўлимининг "ОПЫТ" бирлашмаси

СОЮЗ ВЕТЕРАНОВ АФГАНИСТАНА
"ОПЫТ"

Сизга ўз маҳсулотларингизни сотиш учун қулай имконият яратиб беради:

- рэкетдан 100 % ҳавфсизликни таъминлашга кафолат берилади;
- ҳамма қулайликлари билан меҳмонхоналар;
- омбор биноларн;
- амалий ва маданий ташрифлар учун автотранспорт ажратилади;
- ваколатхона хизматлари кўрсатилади;
- катта юк машиналари учун тўхташ жойи тайёрланади;
- маҳсулотлар учун ҳаклар 3 кун ичида нақд тўланади.

Буларнинг ҳаммаси маҳсулотларингизнинг Екатеринбург бозорида сотилган нархининг 15 % ҳисобига.
Бизга дархол қўнғироқ қилинг, бизда Урал бозорларидаги нархлар тўғрисидаги кундалик маълумотлар бор.

Алоқа телефонлари: 8(3432) 57-13-13, 51-91-08, 51-65-04
Тошкентдаги ваколатхонамиз: Қўйлиқ массиви-2, 3а-уй. Телефон: 90-23-93

Газетанинг навбатдаги сони 24 июлда чиқади.

Ўзбекистон ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институти жамоаси институтнинг бўлим раҳбари, профессор Т. Жалоловга ўғли
БЕКТОШнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров, навбатчи — Р. Жумаев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 24.00.
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Жўрабек МУРОД:

«МЕН КЎРГАН КУНЛАР ДУШМАНИМНИНГ ҲАМ БОШИГА ТУШМАСИН!»

ўртаниб, қийналиб сўзлаётган бўлса-да, бошига оғир кун тушган кишига тасалли бераётган Жўрабек Муродга Оллоҳ берган ирода ҳақида ўйлайман. У Душанбедан қочмаганда чиндан ҳам ўлдиришармиди? Аниқ бир гап айтолмайман. Чунки ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бор. Бироқ машҳур қўшиқчи Кароматулло Қурбон ва шерикларининг ўлдирилиши, Тожикистон халқ артисти Зафар Нозим уйига ўт қўйилиши миядаги саволларни нари қувади. Нима, бу санъаткорлар Шаҳидон ёки Озоди тарафдорлари эдими? Бирининг айби қўлоблик бўлгани-ю, иккинчисиники ғармлик эканлиги...

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Жўрабек ака, кўпчилик, ҳофизга депутатлик шартмиди, ашуласини айтиб, кўнглини чоғлаб юраверсин эди, дейди. Шахсан менинг ўзим ҳам санъаткорнинг санъати халқи учун улкан хизмат деб ҳисоблайман.

— Билсангиз, яшашнинг ўзи сиёсат, санъат ҳам сиёсат. Наҳотки, биз халқнинг дардини ўйламасак? Одамларнинг қорни тўймасдан, эгни бут бўлмасдан яшаётганини кўриб қандай чидаш мумкин? Аёлларимизнинг офтобда ёрилган юзлари, қадоқ қўлларига қандай бефарқ қараш мумкин? Устига, маданият соҳаси ходимлари энг ночор ҳаёт кечирадиганлар тоифасига кирарди. Мен халқимнинг ҳаётини бироз бўлса-да яхшилашга ҳисса қўшарман, деган умидда депутатликка номзодимни қўйгандим...

Ҳофизни йўқлаб, ҳозир у ишлаётган Хўжанддаги Хожа Камол номли театрга икки киши келди. Душанбедан, киночилар экан. Хўжанд санъатини, маданиятини, халқ урф-одатларини тасвирга олиш мақсадида келишибди. Тожиклар ҳаётини олам аҳлига танитишдек эзгу мақсадда юрган ижодкорлар... Жўрабек ака уларнинг мақсадини эшитиб, қувониб кетди, қўлидан келган ёрдамини аямаслигини айтди. Хўжандлик бир қанча санъаткорларни тавсия этди: «Йигитлар, биз кейинчалик афсусланишга ўрганиб қолганмиз. Кўп улуғ санъаткорлар ҳаётлигида ижодий йўли ҳақида кино ярата олмадик. Мен Маҳмуджон Воҳидов, Малика Собирова, Аҳмад Бобоқуловлар ҳақида вақтида кино олинмаганидан доғдаман. Эссиз, Аҳмад ака бир олам эди. У кишининг овози... Маҳмуджончи? Малика-чи?.. Йўқ-йўқ, нимаришдаги ўнлаб дўстларим, танишларим келиши кутилаётганди. Бир эмас, ўнта жонимни тикиб бўлса-да, бу улкан йиғинга бормасам бўлмасди. Концертдан сўнг тез қайтиб кетдим. Йўлда эҳтиёт чоралари учун машиналарни тез-тез алмаштириб турдик. Ўшанда азиз меҳмонларни яхши кутиб олиш имкониятидан маҳрум бўлганимдан афсусланаман. Лекин америкалик тожиклар — ишбилармон Ёқубиёнлар билан бирга бўлдик. Уларга Самарқанд, Бухоро, Хўжандни кўрсатдим...

Ҳофиз яна ўйга толади. Билиб турибман, у дунёнинг не-не давлатларида бўлганини-ю, ўзини қандай кутиб олишганини ўйлаяпти... Мен эса, Жўрабек Муроднинг боягина алам ўтида қоврилиб айтган ҳикоясини эслайман...

«Сурхондарёга ўтганимиздан сўнг термизлик ака-ука Абдусаттор, Абдуғаффор Ҳасановлар дўстлари билан бизга ҳамроҳлик қилишди. Улар бизни Хўжандгача — минг чақирим масофага кузатиб келишди. Дунёда бундай яхшилар бор экан, яна яшагинг келаверади... Биласизми, худо одамга қанноат бераркан, Ўша 1992 йилнинг майида Самарқандгача саккиз ярим соат тўхтамасдан йўл босдик. Катталарни қўяверинг, ҳали етти ёшга тўлмаган кенжа ўғлим на бирон марта нон ейман деди, на сув ичаман" деди...».

Жўрабек Мурод билан суҳбатдан:

— Бошингизга оғир кунлар тушганини эшитиб, Сизга бир неча мамлакатдан бошпана таклиф этишган экан...

— Тўғри. Америка, Саудия Арабистони, Австриядан шундай таклифлар бўлди. Айниқса, ўзбекистонлик дўстларим кўп айтишди. Маълум муддат Самарқанд ва Бухорода ҳам бўлдим. Орзига кучи етмаганлар Ватандан қочди, деган гаплар тарқатишди. Ҳой, мусулмон, наҳотки, Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон мен учун бегона бўлса, менинг Ватаним бўлмаса, дегим келди уларга. Лекин барибир юрт-юрт экан да. Мен яшаш учун қадимий Хўжандни, ўзимнинг талабалик йилларим кечган ва ижодий йўлим бошланган шаҳарни танладим...

Телефон жиринглайди. Душанбедан экан, ҳофизнинг умр йўлдошн. Жўрабек ака ўғлини, акасини, бошқа қариндошларини суриштиради. Душанбе ва душанбеликлар ҳаёти билан қизиқади. Сўзлашиб бўлгач, «уҳ» тортади.

— Санъаткорнинг бахтига хотини тушунадиган чиқсин. Менинг ярим умрим сафарда, гастролларда ўтди. Худо бахтимга яхши умр йўлдошини учратган экан. У фарзандлар тарбияси билан шуғулланди, рўзғорнинг оғир-енгилларига чидади. Унинг касби шифокорлик. Томоқ касалликлари бўйича мутахассис. Овозимни даволаб юради. Янги қўшиқларимнинг биринчи тингловчиси ва баҳоловчиси ҳам унинг ўзи. Айтгандек, у она томондан машҳур Содирхон Ҳофизнинг невараси бўлади.

— Шундай қилиб, шаҳарлар орасидан Хўжандни яшаш учун танлабсиз-да?

— Ҳа, мен азалдан Хўжандни яхши кўраман. Бу ерда менинг кўнглимни осмон баробар кўтаришди. Истеъдодли шогирдларимдан бири Даврон Алиматов Хожа Камол номли театрга раҳбарлик қилади. У мени бу даргоҳга ишга таклиф этди. Театрнинг бутун жамоасидан хурсандман. Ҳаммалари мени илиқ кутиб олишди. Вилоят ва шаҳар раҳбарлари-чи? Ҳаммаларидан миннатдорман.

Хўжанддаги Хожа Камол номли театр директори, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Даврон Алиматовнинг сўзларидан:

— Мен устозим Жўрабек ака ҳақида қанча яхши гаплар айтсам, шунча оз. Бундай санъаткорлар онадан юз йилда бир туғилади. Мен у кишига шогирдлигимдан фахрланаман. Ҳали мактабга бормасимдан устозннинг ашулаларини айтиб юрардим. Бундай ажойиб инсон билан бир давр, бир асрда яшаётганимдан бошим осмонда. Пешонами, тақдирми, жумҳуриятдаги вазиятми, ё театримизнинг бахтими, Жўрабек ака Хўжандга келдилар. Бундан театримиз ижодий жамоаси беҳад хурсанд. Театримиз гуллаб-яшнаб кетди. Яқинда устознинг 50 ёшларини нишонладик. Аввал туғилган жойлари — Айний тумани марказида, Куруд қишлоғида, сўнг Хўжандда тўй ўтказдик. Хўжандда вилоят ва шаҳар раҳбарлари бошчилигида шундай ажойиб кеча бўлдики! Унга Ўзбекистондан ҳам кўп меҳмонлар келишди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан табрикнома ва гилам топширилди. Уларни Тошкент шаҳар ҳокими муовини Рўзиқул Ҳикматуллаев топширар экан, ҳеч ким хурсандчилигини яширмади. Самарқандда ҳам устознинг юбилейлари зўр нишонланди. Ундан кейин Қаршида.